Предлагаемое для реализации устройство (рис.1) состоит из транспортного средства 1, на крыше кабины которого размещены дроны 2, расположенные друг от друга на расстоянии большем, чем их максимальные геометрические размеры (включая размах винтов), и соединенные электрическими кабелями или топливопроводами 3, соответственно, с аккумулятором или топливным баком транспортного средства 1, при этом транспортное средство 1 сцеплено с прицепом, на котором размещена емкость 4 (рис.2), содержащая, например, жидкие пестициды, гербициды, удобрения и пр., которые посредством шланга 5 подаются насосом (не показан) ёмкости 4 на распылитель (не показан), установленный на дроне 2.

В кабине транспортного средства 1 установлен компьютер с дисплеем 6, имеющим блок ввода задачи из имеющегося в компьютере стандартного перечня задач, выход которого соединен с входом блока 7 разбиения задачи на подзадачи, при этом выход блока 7 соединен с входом блока 8 оценки и контроля положения дронов 2 в пространстве, разбивающего обрабатываемый участок в пространстве для каждого из дронов 2 на непересекающиеся друг с другом зоны, и управляющим ими посредством проводной или беспроводной связи в пределах каждой из них (рис.3).

Кроме того, камера/камеры (не показаны) дронов 2 соединены с входом блока 9 распознавания и оценки состояния посевов, растений, почвы и пр., имеющего предустановленные карты (таблицы, матрицы и пр.), описывающие состояние растений и соответствующими их состоянию необходимой дозы, например, подкормки, составленных почвоведом и агрохимиками с учетом особенностей данной климатической зоны, при этом выход блока 9 связан с входом блока 10 принятия решения о необходимости внесения пестицидов, гербицидов, удобрений и пр. и их дозе, а его выход соединен с модулем управления насосом (не показаны) емкости 4. Работа устройства осуществляется следующим образом. Дроны 2 в транспортном положении фиксируются на крыше транспортного средства 1, например, с использованием расположенных в крыше

транспортного средства 1—индивидуальных для каждого дрона 2—электромагнитов (не показаны), во включенном состоянии притягивающих основания дронов 2, выполненных из магнитных материалов.




Рис. 1. – Общий вид: а – БПЛА в транспортном положении; б – БПЛА в рабочем положении




Рис. 2. – БПЛА в составе транспортного средства




Рис. 3. – Схема управления комплексом


После въезда на обрабатываемое поле оператор транспортного средства 1 останавливает его и отключает питание электромагнитов, удерживающего дроны 2 на его крыше, одновременно выключением питания электромагнитов на двигатели дронов 2 посредством электрического кабеля или топливопровода 3 подается питание от аккумулятора или топливного бака транспортного средства 1 (в зависимости от используемого типа двигателя дронов 2), при этом возможно комбинирование дронов 2 с различными типами двигателей на одном транспортном средстве 1. Далее оператор выбирает задачу на дисплее 6, соответствующую взлету одного или сразу нескольких дронов 2, которая передается с блока 6 на блок 7 и, далее, на блок 8, передающий посредством проводной или беспроводной связи команду на взлет дронам 2. Причем, если используются не все дроны 2, то после взлета задействованных в решении задачи, автоматически включается питание электромагнитов, притягивающих основания дронов 2, остающихся на крыше.


Рассмотрим случай внесения удобрений на поля сразу всеми имеющимися дронами

2, при этом транспортное средство 1 сцеплено с емкостью 4, соединенной шлангами 5 с дронами 2 (рис.4).

После взлета дронов 2 с крыши транспортного средства 1 оператор выбирает следующую операцию из имеющегося набора всех возможных операций, визуализируемых на дисплее 6, и активизирует ее нажатием соответствующей клавиши, например, сенсорно. Программное обеспечение блока 7 разбиения задачи на подзадачи проводит тестирование работы систем и устройств дронов 2, после чего формирует для каждого задействованного дрона 2 подзадачу, при этом часть дронов 2 может быть исключена из выполнения общей задачи, и им подана команда на посадку на крышу транспортного средства 1, где после посадки они будут заневолены от вертикальных и горизонтальных перемещений полем электромагнитов, расположенных в крыше транспортного средства 1.

Возможна и обратная процедура принятия решения, когда оператор сначала выбирает задачу, после чего программное обеспечение блока 7 разбиения задачи на подзадачи проводит тестирование работы систем и устройств дронов 2 и формирует – для определенного количества дронов 2 – подзадачи, после чего выдает команду на поднятие только их, предварительно отключив соответствующие электромагниты, расположенные в крыше транспортного средства 1. В этом случае тестирование работы систем и устройств производится только для находящихся в воздухе дронов 2.





б

Рис 4. – Секторы работы БПЛА: а – вид сверху; б – вид сбоку и спереди

Если при тестировании, проводимом блоком 7, какие-либо системы отдельного дрона 2, части из них или сразу всех работают неправильно, то автоматически подается команда на их посадку на крышу транспортного средства 1, включаются удерживающие электромагниты и осуществляется диагностика всех систем дронов 2 и системы управления ими. При невозможности устранить неполадки дистанционно вызывается экстренная служба или оператору транспортного средства 1 сообщается о необходимости вернуться в парк визуализацией сообщения на дисплее 6.

В случае положительного результата тестирования систем и устройств дронов 2 оператор транспортного средства 1 начинает его в движение по выбранному маршруту. После начала движения, находящиеся в воздухе дроны 2, приступают к выполнению своей подзадачи, при этом их положение задается в вертикальных и горизонтальных координатах блоком 8, который ограничивает выделенную каждому из них область трехмерной зоной (вверх-вниз и вправо-влево) с невозможностью приблизиться в горизонтальной плоскости – к границе выделенной области на расстояние, меньшее размера, охватываемого винтами дрона 2 или максимальными наружными размерами (в том числе, включая все возможные диагонали), а, в вертикальной – ограничивается длиной шланга 5 (вверх) и расстоянием от нижней плоскости дрона 2 до поверхности почвы (вниз). При этом блок 8 задает поэтапное (пошаговое) прохождение каждым дроном 2 выделенной ему области как в вертикальной, так и в горизонтальной плоскостях.

На каждом шаге в выделенной области камера/камеры дронов 2 передают в блок 9 распознавания и оценки состояния посевов, растений, почвы и пр. фото-и/или видеоматериалы, который производит действия по сопоставлению состояния растения/растений, присутствующих в зоне работы дрона 2, с картами (таблицами, матрицами и пр.) состояния растений и соответствующей им необходимой дозы, например, подкормки, составленных почвоведом и агрохимиками с учетом особенностей данной климатической зоны, и передает решение о необходимости (или ее отсутствии) внесения соответствующих веществ, например, непосредственно на поверхность почвы, где, предположительно, располагается зона корневой системы растения, фотоизображение (видеоизображение) которого идентифицировано как недополучившего достаточное количество минеральных (или других) веществ для его нормального роста на данном этапе развития (вегетации).

В случае необходимости внесения пестицидов, гербицидов, удобрений и пр. и

определенной блоком 9 по картам (таблицам, матрицам и пр.) дозе блок 10 передает команду о включении соответствующих насосов, расположенных в емкостях 4, направляющих жидкость по шлангу/шлангам 5 к дрону 2, а распылитель, установленный на дроне 2 (не показан), вносит жидкость, подаваемую из соответствующей емкости 4, в зонукорневой системы растения. После внесения соответствующей дозы дрон 2 переходит к диагностике состояния следующего растения или группы растений.

По окончании обработки поля оператор транспортного средства 1 выбирает на дисплее 6 команду, соответствующую данному этапу, при этом блок 7 выдает команду блоку 8 на возврат и автоматическую посадку дронов 2 на крышу транспортного средства 1 с последующей фиксацией их оснований индивидуальными электромагнитами, расположенными в крыше транспортного средства 1. После чего транспортное средство 1 готово к переезду на другое поле или возвращению в парк.

Фиксация дронов 2 при выключении двигателя, отключении аккумулятора, питающего электромагниты крыши, или поломке транспортного средства 1 может осуществляться, например, вручную – за счет одного или нескольких дополнительных фиксаторов (механических, резиновых и др.), закрепленных на крыше, и заневоливающих дроны 2 относительно нее.

Таким образом, предлагаемое устройство выполняет роль произвольно перемещаемой подвижной системы с упорядоченным или хаотичным движением нескольких дронов относительно транспортного средства, связанных с ним кабелями-шлангами, что позволяет обрабатывать любые формы участков в пределах досягаемости этих кабель-шлангов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Электронный ресурс <https://vc.ru/transport/72705-drony-v-selskom-hozyaystve-obzor-mirovyh-tendenciy> (дата обращения 01.10.2020)
 2. Патент №2648696МПКG01N 35/10, G06F 7/00, A01G 2/00. Агротехнический комплекс с беспилотным летательным аппаратом / Гаврилов Н.А., заявка 2017117895, заявл. 23.05.2017, опубл. 28.03.2018, Бюл. № 10.
 3. Патент №2471338МПКА01G 7/00, A01B 79/00, A01D 91/00, G06F 7/00. Устройство позиционирования мобильных агрегатов при возделывании агрокультур / Башилов А.М., Королёв В.А., Головкин В.А., Суляев С.А., Башилов С.А., Евдокимов П.Б., заявка 2010107548/13, заявл. 02.03.2010, опубл. 10.01.2013 Бюл. № 1.
- Механика ва технология илмий журналы кабул қилинди 17.10.2020

УДК. 631.356

ИЛДИЗМЕВА ЙИГУВЧИ МАШИНАНИНГ ЭЛАСТИК БАРМОҚЛИ БАРАБАНИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Байбобоев Н.Ф., Хамзаев А.А.

АННОТАЦИЯ: Мақолада топинамбур туганакларини нобуд бўлиши ва шикастланишини камайтириш учун зарур бўлган барабаннинг рухсат этилган айланишлар частотаси, барабандаги бармоқлар сони ҳамда эластик бармоқ билан элеватор орасидаги тирқиш ўлчамларини мақбул қийматларини аниқловчи аналитик ифодалар келтирилган.

АННОТАЦИЯ: В статье приведены аналитические зависимости для определения оптимального значения частота вращения барабана, количество эластичных пальцев и

зазор между эластичным барабаном и элеватора с учетом не повреждаемости и потери клубней топинамбура.

ANNOTATION: The article provides analytical dependences for determining the optimal value of the drum rotation frequency, the number of elastic fingers and the gap between the elastic drum and the elevator, taking into account the non-damage and loss of Jerusalem artichoke tubers.

Калит сўзлар. Топинамбур, барабан, тирқиш, элеватор, тупрок, туганак, эластик бармоқ, тезлик, бармоы узунлиги, элеватор тезлиги.

Ключевые слова. Топинамбур, барабан, зазор, элеватор, почва, клубень, эластичный палец, скорость, длина пальца, скорость элеватора.

Keywords. Jerusalem artichoke, drum, gap, elevator, soil, tuber, elastic finger, speed, finger length, elevator speed.

Массага биринчи тегиб турган ва кейинги эластик бармоқ тегиши ўртасидаги вақт барабаннинг айланишлар давридаги сонига ва бармоқларнинг барабан айланаси бўйлаб нечталигига боғлиқ бўлади. Топинамбур туганаклари нобуд бўлиши ва шикастланишини камайтириш учун зарур бўлган барабаннинг минимал рухсат этилган айланишлар частотасини аниқлаш учун фараз қиламизки, туганак нобуд бўлишига унинг ишчи органларининг кесимлари орқали тегиб ўтишда, ишчи орган элементлари билан ўзаро таъсири кам блиши, яъни илгарироқ ўтиши керак. Бунинг учун барабан остидан элеватордан туганакларни ўтиш вақти қуйидагига тенг бўлиши керак [1]:

$$t_{\min} = \frac{2 \cdot L_{\delta} \cdot \sin \alpha}{V_T} \quad (1)$$

бунда t_{\min} - туганакларни барабан остидан шикастланмасдан ўтиш вақти;

α – массани тўкнашиши юзасига келгандаги элеватор ва барабан бармоқлари орасидаги бурчак, рад;

V_T - туганакларни элеватор юзасидаги ҳаракат тезлиги, м/с,

L_{δ} - бармоқ узунлиги, м.

Барабаннинг бир марта айданиб ўтиш даври T_{δ} қуйидагига тенг [2]

$$T_{\delta} = \frac{60}{n_{\delta}}, \quad \text{сек} \quad (2)$$

бунда n_{δ} - барабаннинг айланиш сони.

Туганакларни нобуд бўлишини камайтириш учун барабаннинг эластик бармоқлари элеватор ишчи чивиклари устидан олдингиси ва охириги ўтишлари орасидаги вақт t_{\min} га тенг ёки кам бўлиши керак. У ҳолда туганакларни нобуд бўлиши ёки бўлмаслик шартини қуйидаги кўринишда ифода қилиш мумкин:

$$t_{\min} = \frac{T_{\delta}}{Z_{\delta}} \quad (3)$$

(1), (2) ифодаларни ҳисобга олиб, (3) ифодани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$n_{\delta} \geq \frac{30 \cdot V_{\delta}}{Z_{\delta} \cdot L_{\delta} \cdot \sin \alpha} \quad (4)$$

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, туганакларни ишчи қисмлар оралиғида минимал ўтиш вақти t_{\min} барабаннинг айланишлар сонига бармоқлар узунлигига, барабан диаметри бўйлаб жойлашган бармоқлар сонига ҳамда бармоқлар билан массани ўзаро тўкнашиш бурчагига боғлиқ бўлади.

Барабаннинг кўндаланг кесимида бармоқлар кўп жойлашган бўлса, уларнинг бурчаги кичик бўлади, бу эса бармоқлар орасидаги жойни тезда тикилиб қолишига олиб келади. Натижада эластик жараёнини ёмонлашишига ва коэффициентни иш унуми камайишига олиб келади. Бармоқлар орасини тикилиб қолишини бартараф этиш, шунингдек, бармоқларни туганакларга салбий таъсирини максимал камайтириш мақсадида барабаннинг кўнадаланг кесимида бармоқлар сонини камайтириш керак бўлади. Дастлабки бармоқлари сони $z_0=6$ га тенг деб қабул қиламиз. Элеваторда туганаклар ҳаракат тезлигини қийматини бериб, турли типдаги барабанлар учун минимал айланишлар частотасини аниқлаймиз. Шундай қилиб, туганаклар нобуд бўлишини бартараф этиш учун барабан айланишлар сонини бармоқли барабан учун $n=80\sim 120$ ай/мин оарлиғида бўлиши мақсадга мувофиқ [3]. Эластик бармоқли барабаннинг узунлиги бўйича эластик бармоқларни ўрнатилиш қадамини асослаймиз. Бармоқларни ўрнатилиш қадамини танлашда топинамбурни сарфлари бўйича агротехник талаблари бажарилишига боғлиқ бўлади. Бармоқларни тирқишсиз жойлаштиришда нобуд бўлишига чиқиб кетадиган туганаклар миқдори минимал бўлади. Аммо бунда ишчи органнинг иш унумдорлиги сезиларли камаяди. Ўз навбатида барабан бармоқларининг мақбул ўрнатилиш қадамини асослаш лозим бўлади. Топинамбур ўсимлигини дала шароитидаги тадқиқотлар натижасида туганакларни ўлчам характеристикаларини ҳисобга олиб, бармоқларни максимал рухсат этилган қадам ўрнатилишини қабул қиламиз.

Қуйидаги чекланишларни қабул қиламиз:

- элеватор юзасида масса бир текисда жойлашади ва юзанинг ҳар бир нуқтасида бир хил қалинликка эга бўлади;
- масса компонентлари ушбу юза билан биргаликда ҳаракатланади.

Бармоқларнинг ўрнатилиш қадами турли типдаги барабанлар учун турлича аниқланади, бу эластикли ишчи элементларнинг турли шаклдалиги билан изоҳланади. Бармоқли барабан учун бармоқларнинг ўрнатилиш қадами

$$B = \frac{d_{e \min} + d_{k \min}}{2} \quad (5)$$

бунда $d_{e \min}$ - бармоқнинг минимал қалинлиги, м;

$d_{k \min}$ - топинамбур туганаги минимал қалинлиги, м.

Шундан сўнг ишчи органларидаги ишчи тирқишни аниқлаймиз. Ишчи тирқиш деганда эластик бармоқ учи ва элеватор юзаси орасидаги масофа тушунилади (1-расм).

Ишчи тирқиш элеватор юзаси билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиб, бу эса унинг иш унумдорлигига таъсир этади.

Ишлаб чиқилган қурилмани максимал иш унумдорлигини таъминлаш учун у минимал ўтиш кесимидаги юзадан массани ўтиши массани узатилишидан кўп ёки тенг бўлиши лозим [1].

$$W_{\max} \geq \gamma_{n+0} \cdot V_0 \cdot S \quad (6)$$

бунда W_{\max} - ишлаб чиқилган қурилмани максимал оний иш унумдорлиги кг/с;

γ_{n+0} - кўндаланг кесими орқали ўтадиган массани ҳажмий оғирлиги, кг/м³;

V_0 - элеваторнинг тезлиги, м/с;

S - қурилманинг ўтиш кесимининг минимал юзаси, м².

Қурилманинг кўндаланг кесими орқали ўтадиган массанинг ҳажмий оғирлиги, унинг ҳажмий оғирлик компонентларидан қуйидаги нисбатда таркиб топади [4].

$$\gamma_{n+\delta} = \frac{8 \cdot \gamma_n \cdot \gamma_{\delta}}{5 \cdot \gamma_{\delta} + \gamma_n} \quad (7)$$

бунда γ_n - тупрокниг ҳажмий оғирлиги, кг/м³;

γ_{δ} - ўсимлик қолдиқларининг ҳажмий оғирлиги, кг/м³;

8 ва 5 лар массадаги компонентлар ўртасидаги миқдорларни уларнинг мос фоизларидаги миқдори билан аниқланадиган коэффициентлар [4].

[4] га асосан $\gamma_n=1500$ кг/м³ $\gamma_{\delta}=135$ кг/м³ деб қабул қиламиз.

Ўтиш кесими юзасини унинг минимал зарурий ишчи тирқиши билан ўзаро таъсирини аниқлаймиз. Энг ноқулай ҳолатни кўриб чиқамиз. Бу ҳолат барабан бармоқларини бирор қатори уларнинг марказий ўқлари барабан ўқиға перпендикуляр, шунингдек, элеваторга ҳам перпендикулярдир. Ушбу ҳолат жуда ноқулай ҳисобланади шу сабабли, қурилманинг ўтиш кесим юзаси ковлагичнинг иш унумдорлиги бу пайтда минимал бўлади.

Ишчи тирқиш орқали массани ўтиши учун кўндаланг кесим юзаси қуйидагича аниқланади:

$$S_{\delta} = \delta \cdot B \quad (8)$$


бу ерда B - элеватор кенглиги, м;

δ - элеватор ва барабан бармоқлари учи орасидаги ишчи тирқиш, м.

(8) ни ҳисобга олиб, минимал ўтиш кесим юзасида ишлаб чиқилган бармоқли барабан учун максимал иш унумдорлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$W_{\max} = \frac{8 \cdot \gamma_{\delta} \cdot \gamma_n}{5 \cdot \gamma_{\delta} + \gamma_n} \cdot V_{\delta} (\delta \cdot L_{\delta}) \quad (9)$$

Ушбу ифодага кўриниб турибдики, эластик бармоқли барабан билан жиҳозланган элеваторнинг иш унумдорлиги ва самарадорлиги тирқиш (δ), элеватор тезлиги (V_{δ}) ҳамда бармоқ узунлиги қийматига боғлиқ бўлади. (9) ифодага асосан нобуд бўлмаслиги ва шикастланмаслиги шартидан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткичларни турли қийматларида элеваторнинг иш унумдорлигини ҳисоблаганимизда, $V_{\delta}=1,8$ м/с, $\delta=0,05$ м, $L_{\delta}=0,12$ м бўлганда элеваторнинг иш унумдорлиги 6,03 кг/с га тенг бўлиши аниқланди.



1-расм. Эластик бармоқли барабан ишчи тирқишини ҳисоблаш учун схема

Олинган маълумотларни аниқлаштириш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказиш зарур бўлади. Бу тадқиқотлар эловчи органларни технологик кўрсаткичларини эластик бармоқли барабан параметрлари ўзгариш қонуниятларини аниқлашга имконият беради.

Хулоса

Назарий тадқиқотлар асосида ковлагич эластик бармоқли барабаннинг элеватор билан туганакларни ўзаро таъсири жараёни қонунияти ўрнатилди. Натижада, массани эланиши яхши бўлиши учун эластик бармоқнинг эгилиш бурчаги $0,52$ рад, материал модули $E=2,8$ МПа, бармоқларни ўрнатиш қадами - $0,04$ м; бармоқ диаметри $d=25$ мм, узунлиги $L_0=120$ мм, барабаннинг айланиши $80-120$ айл/мин, бармоқ эгрилик радиуси $0,09$ м, ишчи тиркиш $0,05$ м бўлганда таъминланиши назарий жиҳатдан асослаб берилди

АДАБИТЁЛАР

1. Байбобоев Н.Г., Бышов Н.В., Рембалович Г.К., Акбаров Ш.Б. Научно-технические основы совершенствования сепарирующих рабочих органов картофелеуборочных машин. // Тошкент. 2019.
2. Петров Г.Д. Сепарация картофеля от твердых примесей с применением радиоактивного излучения / Г.Д. Петров, Е.Б. Карев // Тракторы и сельхозмашины. 1972.-№1.Стр. 29-30.
3. Байбобоев Н.Г., Мухамедов Ж.М., Хамзаев А.А. Оптимизация распределения потока энергии к вращающимся звеньям машина для уборки топинамбура. “Вестник РГАТУ” №2 (26), 2015 г.
4. Рембалович Г.К. Повышение эффективности функционирования и надежности сепарирующей горки картофелеуборочных машин / Г.К. Рембалович. Дис. ...канд. техн. наук. – Саранск, 2005.- 167 с.
5. Борычев С.Н. Исследование размерных характеристик растительных остатков после механической уборки картофельной ботвы / С.Н.Борычев, С.Е.Крыгин, С.М.Переведенцев [и др.] // сб. научных трудов РГСХА. Современные энерго и ресурсосберегающие, экологически устойчивые технологии и системы с/х производства.-1999.-№3(2).-Стр.38-40.

УЎТ. 631.313.2

ДАЛА РЕЛЬЕФИГА МОСЛАНУВЧАН ТИШЛИ БОРОНАНИНГ ИШЛОВ БЕРИШ ЧУҚУРЛИГИ БЎЙИЧА БАРҚАРОР ЮРИШИ ВА ТОРТИШГА ҚАРШИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Мухамедов Ж., Абдувахобов Д.А., Исматуллаев Қ.Қ.

АННОТАЦИЯ: Мақолада ишлаб чиқилган тишли боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор (бир текис) юришини ва тортишга қаршилигини аниқлаш учун ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

АННОТАЦИЯ: В статье приведены определения по обеспечению требуемой равномерности глубины обработки почвы и тяговые сопротивления разработанной зубовой бороной.

ABSTRACT: The article provides definitions to ensure the required uniformity of the depth of soil cultivation and traction resistance by the developed tooth harrow.

Калит сўзлар: дала рельефига мосланувчан тишли борона, ишлов бериш чуқурлигининг барқарорлиги, боронага таъсир этувчи кучлар, боронани тупроққа ботирувчи куч, кучлар кўпбурчаги, борона таянч текислиги, борона тортиш чизиғини

горизонтга оғиш бурчаги, боронанинг осииш қурилмаси ва нуқталари, тортишга қаршилиқ.

Ключевые слова: зубовая борона, копирующий рельеф поля, равномерность глубина обработки, действующие на борону силы, сила заглубляющая борону в почву, многоугольник сил, опорная плоскость бороны, угол наклона силы тяги бороны к горизонту, навесное устройство и точки навески бороны, тяговые сопротивления.

Keywords: tooth harrow that follows the field relief, uniformity of the working depth, forces acting on the harrow, force that burrows the harrow into the soil, polygon of forces, harrow support plane, angle of inclination of the harrow pulling force to the horizon, hitch and harrow hitch points, traction resistance.

Хозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида эрта баҳор ва экишдан олдин тупроқнинг юза қатламига ишлов беришда тишли бороналардан кенг фойдаланилади. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, мавжуд тишли бороналарнинг тишлари рамага қаттиқ (қўзғалмас) маҳкамланганлиги туфайли улар дала (шудгор) юзасидаги нотекисликларга етарли даражада мослаша олмайди. Натижада дала юзаси тўлиқ юмшатишмайди ва бегона ўтлар тўлиқ йўқотилмайди. Бунга йўл қўймаслик учун хўжаликларда бороналар изма-из икки қатор ўрнатилиб ишлатилади. Лекин бу бороналаш агрегатининг ўлчамлари ва энергияҳажмдорлиги кескин ошиши ҳамда манёврчанлиги ва иш унумини пасайиб кетишига олиб келади. Ушбу таъкидланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тишлари дала юзасидаги нотекисликларга мослаша оладиган ва тебраниб ишлайдиган осма дала рельефига мосланувчан тишли борона(кейинги ўринларда борона) ишлаб чиқилди [1].

Ишлаб чиқилган борона асос ва унга ўрнатилган тишлардан ташкил топган ишчи звенолардан йиғилади. Улар, яъни ишчи звенолар бир-бири билан ҳалқалар, рама билан эса ҳалқалар ва торткилар орқали боғланган. Шу сабабли иш жараёнида ҳар бир ишчи звено дала юзасидаги нотекисликларга мослашиш ва уччала фазовий текислик бўйича тебранма ҳаракат қилиш имкониятига эга. Бу ўз навбатида тупроққа ишлов бериш сифати яхшиланиши ва энергия сарфи камайишига олиб келади.

Ушбу мақолада ишлаб чиқилган боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор (бир текис) юришини ва тортишга қаршилигини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Боронани ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юриши асосан уни тупроққа ботирувчи кучнинг ўзгарувчанлигига боғлиқ бўлиб, у томонидан тупроққа ишлов бериш (бороналаш) чуқурлиги бир текис бўлиши учун таъкидланган куч иш жараёнида мумкин қадар кам ўзгариши, энг мақбули эса у ўзгармаслиги лозим.

1-расмда боронага бўйлама – тик текисликда таъсир этувчи кучлар схемаси ва кўпбурчаги келтирилган. Улардан фойдаланиб боронани тупроққа ботирувчи куч Q_6 ни аниқлаймиз

$$Q_6 = N = m_0 g - P_{xz} \sin \alpha \quad (1)$$

ёки $P_{xz} = R_0 / \cos \alpha$ эканлигини ҳисобга олганда (бу кучлар кўпбурчагидан келиб чиқади)

$$Q_6 = N = m_0 g - R_0 \operatorname{tg} \alpha, \quad (2)$$

бунда N – тупроқ томонидан боронага таъсир этувчи тик реакция кучи;


m_0 – боронанинг массаси (рама билан);

g – эркин тушиш тезланиши;

P_{xz} – бўйлама – тик текисликда трактор томонидан боронага қўйилган тортиш кучи (бу куч боронанинг оний айланиш маркази π га қўйилган);


α – боронанинг бўйлама – тик текисликдаги тортиш чизиғини, яъни у оний айланиш (1-расмдаги π нуқта) ва қаршилик (1-расмдаги O нуқта) марказларини бирлаштирувчи πO чизикни горизонтга оғиш бурчаги;

R_0 – боронанинг тортишга қаршилик кучи.



1-расм. Бўйлама – тик текисликда боронага таъсир этувчи кучлар схемаси (а) ва кўпбурчаги (б)

Тупроқ физик – механик хоссаларининг ўзгарувчанлиги ва дала юзасининг нотекислиги сабабли иш жараёнида боронанинг тортишга қаршилиги R_0 тўхтовсиз ўзгариб туради. (2) ифодадан кўриниб турибдики, бу ўзгариш боронани тупроққа ботирувчи куч Q_6 ни ва унинг тупроққа ботиш чуқурлигини ўзгаришига олиб келади. Натижада ишлов бериш чуқурлигининг бир текисда бўлиши таъминланмайди.



2-расм. Борона тортиш чизиғининг горизонтга оғиш бурчагини аниқлашга доир схема

(2) ифода бўйича яна шуни таъкидлаш мумкинки, R_0 кучнинг ва тупроқ физик – механик хоссалари ўзгарувчанлиги ҳамда дала юзаси нотекислигининг Q_6 га таъсири борона тортиш чизиғи πO нинг горизонтга оғиш бурчаги α га боғлиқ бўлиб, бу бурчак қанчалик кичик бўлса, R_0 кучни Q_6 га таъсири шунчалик кам, боронанинг ишлов бериш

чуқурлиги бўйича барқарор юриши эса шунчалик юқори бўлади. Энг яхши натижага $\alpha=0$ бўлганда эришилинади. Чунки бунда (2) ифоданинг иккинчи ташкил этувчиси нолга айланиши натижасида иш жараёнида Q_6 кучни ўзгармаслиги таъминланади.

Демак, ишлаб чиқилган боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминлаш учун у тортиш чизиғи πO нинг горизонтга оғиш бурчаги мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиши лозим.

2-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, α бурчакни борона, унинг осиш қурилмаси ва трактор осиш механизмининг параметрлари ва ўлчамлари орқали ифодалаймиз.

$$\alpha = \arctg \left\{ \left[H_2 (H_3 - H_1 + h) \left[\sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A \right] + (H_1 - 0,5h) \times \right. \right. \\ \left. \left. \times \left[(H_2 - Z_A) \sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A (H_3 - H_1 + h) \right] \right\}; \\ : \left\{ H_2 \sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} \left[\sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A \right] + \right. \\ \left. + L \left[(H_2 - Z_A) \sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A (H_3 - H_1 + h) \right] \right\}; \quad (3)$$

бунда H_1 – борона таянч текислиги (тишлари учи) дан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталари $C(C_1)$ гача бўлган тик масофа;

H_2 – борона осиш қурилмасининг пастки $C(C_1)$ ва юқориги B осиш нуқталари орасидаги тик масофа;

H_3 – трактор таянч текислигидан у осиш механизми пастки бўйлама тортиқларининг қўзғалмас шарнирлари $D(D_1)$ гача бўлган тик масофа;

X_A, Z_A – мос равишда трактор осиш механизмининг қўзғалмас нуқталари A ва $D(D_1)$ орасидаги горизонтал ва тик масофалар;

h – ишлов бериш чуқурлиги;

l_6 – трактор осиш механизми пастки бўйлама тортиқларининг узунлиги;

L – борона пастки осиш нуқталаридан унинг қаршилик маркази O гача бўлган масофа.

(3) ифодадаги H_2, H_3, X_A, Z_A, l_6 ва L масофалар стандартлашганлиги [2] ҳамда трактор ва борона конструкцияларидан маълум бўлганлиги, ишлов бериш чуқурлиги эса агротехника талабларига мос келиши лозимлиги сабабли боронани ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминловчи юқорида таъкидланган шарт, яъни борона тортиш чизиғини горизонтга оғиш бурчаги мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиш шarti асосан H_1 масофани ўзгартириш ҳисобига таъминланади.

Ўтказган тажрибаларимиз 1,4-2,0 классдаги тракторлар билан ишлатилганда борона томонидан тупроққа ишлов бериш чуқурлиги талаб даражасида (5 ± 1 см) бўлиши учун H_1 масофа, яъни боронанинг таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталарига гача бўлган тик масофа камида 60 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Ишлаб чиқилган боронанинг тортишга қаршилигини умумий кўринишда 1-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб аниқлаймиз. Унга биноан

$$R_y = fN_6 + n_T R_T = fN_6 + \frac{B}{a} R_T; \quad (4)$$

$$N_{\sigma} = m_{\sigma}g - P_{xz} \sin \alpha_{\sigma} = m_{\sigma}g - R_y \operatorname{tg} \alpha_{\sigma}, \quad (5)$$

бунда R_y – боронанинг тортишга умумий қаршилиги;

f – тупроқнинг пўлатга ишқаланиш коэффициенти;

N_{σ} – тупроқ томонидан боронага таъсир этувчи нормал реакция кучи;

n_T – боронага ўрнатилган тишлар сони;

R_T – борона битта тишининг тортишга қаршилиги;

B – боронанинг қамраш кенглиги;

a – борона тишлари изларининг кенглиги;

m_{σ} – боронанинг массаси;

g – эркин тушиш тезланиши;

P_{xz} – трактор осииш механизмининг пастки ва юқориги бўйлама тортқилари томонидан бўйлама-тик текисликда боронага таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси;

α_{σ} – борона тортиш чизигининг горизонтал текисликка нисбатан жойлашиш бурчаги.

(4) ва (5) ифодаларни биргаликда ечиб, боронанинг тортишга умумий қаршилигининг ифодасини оламиз

$$R_y = \frac{f m_{\sigma} g a + B R_T}{a(1 + f \operatorname{tg} \alpha_{\sigma})}. \quad (6)$$

Пона назариясига асосан, [3] иш жараёнида борона тишининг ишчи сиртларига тупроқ томонидан нормал N_T ва ишқаланиш $F_T = N_T \operatorname{tg} \varphi$ (бунда φ – тупроқнинг пўлатга ишқаланиш бурчаги) кучлари таъсир этади (3-расм).

Бу кучларнинг ҳаракат йўналишига проекцияларининг йиғиндиси тишнинг тортишга қаршилигини беради, яъни

$$R_T = 2 N_T \frac{\sin (\beta + \varphi)}{\cos \varphi}, \quad (7)$$

бунда β - тишнинг ўткирланиш бурчаги.

(7) ифодадаги нормал куч N_T тупроқнинг физик-механик хоссалари ҳамда тишнинг параметрлари орқали аниқланди ва куйидаги натижага эга бўлинди

$$N_T = \frac{1}{2} \left[\frac{S^2 q_0 (4h - 3h_0) \cos \varphi}{8 \sin \beta \cos (\beta + \varphi)} + h^2 \gamma V_n^2 \sin \beta \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon} \right], \quad (8)$$

бунда S – тишнинг қалинлиги;

q_0 – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти;


h – ишлов бериш чуқурлиги;

h_0 – тиш пастки ўткирланган қисмининг баландлиги;

γ – тупроқнинг зичлиги;

V_n – агрегатнинг ҳаракат тезлиги;

ψ_{ε} – тупроқнинг ёнбош синиш бурчаги.



3-расм. Борона тишига таъсир этувчи кучлар схемаси

(7) ва (8) ифодаларни ҳисобга олсак, (6) ифода қуйидаги якуний кўринишга эга бўлади

$$R_y = \left\{ fm_{\sigma}ga + \frac{1}{2}B \left[\frac{S^2 q_0 (4h-3h_0) \cos \varphi}{8 \sin \beta \cos(\beta + \varphi)} + h^2 \gamma W_n^2 \sin \beta \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon} \right] \frac{\sin(\beta + \varphi)}{\cos \varphi} \right\} : [a(1 + f \operatorname{tg} \alpha_{\sigma})]. \quad (9)$$

Бу ифодадан кўриниб турибдики, боронанинг тортишга қаршилиги унинг массаси, камраш кенглиги, тишлари излари орасидаги масофа, тишларнинг параметрлари (ўткирланиш бурчаги, қалинлиги, пастки ўткирланган қисмининг узунлиги), ишлов бериш чуқурлиги, агрегатнинг ҳаракат тезлиги, тупрокнинг физик-механик хоссалари (ҳажмий эзилиш коэффициенти, зичлиги ҳамда ишқаланиш бурчаги ва коэффициенти) ҳамда борона тортиш чизигининг горизонтга нисбатан жойлашиш бурчагига боғлиқ.

$f=0,5$, $m_{\sigma}=340$ кг, $g=9,8$ м/с², $a=0,05$ м, $B=3,6$ м, $S=0,02$ м, $h=0,06$ м, $h_0=0,025$ м, $\gamma=1200$ кг/м³, $\beta=30^{\circ}$, $\psi_{\varepsilon}=60^{\circ}$, $q_0=5 \cdot 10^6$ Н/м³ ва $\alpha=12^{\circ}$ қийматларни қабул қилиб, (9) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 2,0-3,0 м/с ҳаракат тезликларида оралиғида ишлаб чиқилган боронанинг тортишга умумий қаршилиги 6,3-6,5 кН оралиғида, солиштирма, яъни ҳар бир метр камраш кенглигига тўғри келадиган қаршилиги эса 1,75-1,80 кН оралиғида бўлишини кўрсатди [4].

АДАБИЁТЛАР

1. Патент РУз № FAP 01174. Борона / Мухамедов Ж., Тўхтақўзиев А., Умурзақов А., Абдувахобов Д. // Расмий ахборотнома. – 2017. – №4.
2. ГОСТ 10677-2001. Устройство навесное заднее сельскохозяйственных тракторов классов 0,6-8. – Минск: ИПК Издательство стандартов, 2002. – 11 с.
3. Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – М.: Колос, 1994. – 671 с.
4. Мухамедов Ж., Абдувахобов Д.А., Комилов Н.М. Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигини иш кўрсаткичларига

таъсири // Механика муаммолари. – Тошкент, 2013.–№3-4.–Б. 104-108.

Механика ва технология илмий журнали

қабул қилинди

14.10.2020

УДК 631.311.634:64

АНОР ТУПЛАРИНИ КЎМАДИГАН МАШИНАНИНГ КОНСТРУКТИВ СХЕМАСИ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗАРИЙ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Имомкулов Қ.Б., Абдуназаров Э.Э., Мамадалиева Г.К., Ортиқов Н.Б.

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада анор тупларини кўмадиган машинанинг конструктив схемаси ва параметрларини назарий аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Бунда уюмлагич ҳамда ётқизгичларнинг ён ва юқориги деворларини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, кўмувчи қисмлар корпуслари лемехларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш ва увалаш бурчаклари, корпусларнинг қамраш кенглиги ва ишлов бериш чуқурлиги, улар орасидаги кўндаланг масофа назарий асосланган.

АННОТАЦИЯ: В данной статье представлены результаты проведенных исследований по теоретическому определению конструктивной схемы и параметров машины для укрывки кустов граната. При этом теорически обоснованы углы установки к направлению движения боковых и верхних стенок уплотнителей и укладчиков, углы установки к направлению движения и крошения лемехов корпусов укрывающих частей, ширина захвата и глубина обработки корпусов, поперечное расстояние между ними.

ABSTRACT: This article presents the results of research on the theoretical definition of the design scheme and parameters of the machine for hiding pomegranate bushes. While Theoretically justified the angles of installation to the direction of movement of the side and upper walls of seals and stackers, the angles of installation to the direction of movement and crumbling of the ploughshares of the housing covering parts, the width and depth of processing of the housing, the transverse distance between them.

Калит сўзлар: анор тупларини кўмадиган машина, корпус, қамраш кенглиги, ишлов бериш чуқурлиги, корпуслар орасидаги кўндаланг масофа, лемехларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш ва увалаш бурчаклари, уюмлагичлар ва ётқизгичларнинг ён ва юқори деворларини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари.

Ключевые слова: машина для укрывки кустов граната, корпус, ширина захвата, глубина обработки, поперечное расстояние между корпусами, углы установки к направлению движения и крошения лемехов, углы установки и направления движения боковых и верхних стенок уплотнителей и укладчиков.

Keywords: machine for hiding pomegranate bushes, plough body, working width, working depth, the transverse distance between the plough bodies, installation angles to the direction of movement and crumbling of the ploughshares, installation angles and direction of movement of the side and upper walls of seals and stackers

Кейинги йилларда республикаимизда анор етиштиришнинг кўпайтириш ва бу соҳани ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 20 январидagi 25-сонли, 2018 йилнинг 4 октябрида қабул қилинган 791-сонли қарорларида республикаимизда “Анор етиштирувчилар” уюшмасини ташкил этиш, 2021 йилгача қўшимча 24000 га майдонда анорзорлар барпо этиш, маҳсулот

етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш ишларини босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилган [1, 2].

Ўзбекистон шароитида совуқ уриб кетишининг олдини олиш мақсадида анор туплари кеч кузда тупроқ билан кўмилиб, баҳорда очилади. Аммо махсус техника воситалари ишлаб чиқарилмаслиги сабабли анор тупларини кўмиш ва очиш ишлари механизациялашмаган ва ҳозирги кунгача ҳам қўл кучи билан амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни ортишига ва иш унумини камайишига олиб келмоқда ҳамда анор етиштириш, улардан юқори ҳосил олиш ҳамда катта майдонларда анор плантацияларини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, анор туплари кеч куз ойларида кўмилишини ҳисобга оладиган бўлсак, қиш эрта келган йиллари қўл кучи билан барча майдонлардаги анор тупларини тўлиқ кўмилишига эришилимайди ва бунинг натижасида уларни совуқ уриб кетиш ҳоллари кузатилади. Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда институтимизда анор тупларини тупроқ билан кўмадиган машина ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда [3].

Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналарни ишлаб чиқиш ва кенг қўллаш анор етиштиришда мавжуд муаммоларни бартараф этилишини таъминлайдиган ҳамда соҳани кескин ривожланишига имкон яратадиган муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикаимизда 8000 гектардан ортиқ анорзорлар мавжуд. Анорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан олинган маълумотлар бўйича 1 гектар майдондаги анор тупларини кўмиш ва очиш учун 64-72 киши-соат меҳнат сарфланади. Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналар қўлланилганда бу кўрсаткич 1,8-2,2 киши-соатни ташкил этади, яъни 33-35 марта камаяди. Бундан ташқари, республикаимиз миқёсида минглаб ишчилар оғир қўл меҳнатидан халос бўлишади. Шу билан бирга машиналарни қўллаш анор тупларини мақбул муддатларда сифатли кўмиш ва очишни таъминлайди. Бунинг натижасида уларни совуқ уришини олди олинади, ҳосилдорлик ортади, кўплаб майдонларда анорзорларни ташкил этишга имкон яратилади. Буларни барчаси охир оқибатда мамлакатимиз экспорт имкониятларини оширади.


Боғдорчиликда иш унумини кўтариш ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўлларида бири янги техника ва технологияларни жорий этиш, боғ ҳамда анорзорларга ишлов беришни комплекс механизациялашдир.

Боғ ва анорзорларда механизациялашган ишларни бажарадиган агрегат шундай комплексланиши зарурки, бунда юқори иш унуми таъминлансин, агротехника талаблари тўлиқ бажарилсин, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бирлигига меҳнат ва маблағ сарфи минимал бўлсин.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, ушбу лойиҳада Республикаимизда ҳозирги даврда кенг қўлланилаётган юқори қувватли тракторларга (Магнум 8940, МХ-255, PUMA, Т7060, АХИОН-850) анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналарни ишлаб чиқиш, уларнинг конструктив схемалари ва технологик иш жараёнлари ва параметрларини асослаш, макет ва тажриба нусхаларини тайёрлаш, уларнинг дала шароитида синовларини ўтказиш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш назарда тутилган.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили ҳамда олиб борилган изланишлар ва ишлаб чиқилган дастлабки талаблар ва техник топшириқлар асосида анор тупларини кўмадиган машинанинг конструктив схемаси икки вариантда ишлаб чиқилди. Биринчи вариантда машина бир ўтишда икки қатор анор тупларини кўмади (1-расм), иккинчи вариантда бир

қатор анор тупларини кўмади (2-расм).



1 – трактор; 2 – уюмлагич; 3 – нов шаклидаги узаткич; 4 – туп ётқизгич; 5 – кўмгич;
6 – осма рама.

1-расм. Икки қатор анор тупларини кўмадиган машинанинг конструктив схемаси

Биринчи вариантдаги, яъни бир ўтишда икки қатор анор тупларини кўмадиган машина трактор 1 нинг ён қисмларига ўрнатилган уюмлагичлар 2, улардан кейин жойлашган нов шаклидаги узаткичлар 3, ётқизгичлар 4 ва кўмувчи ишчи қисмлар 5 лардан ташкил топган. Машинанинг уюмлагичлари, узаткичлари, ётқизгичлари ва кўмувчи ишчи қисмлари осма рама 6 га ўрнатилган.

Иш жараёнида уюмлагичлар томонидан анор тупларининг шохлари уюмланади (ихчамлаштирилади) ва узаткичларга узатилади, улар анор тупларини янада ихчамлаштириб ва босиб, ётқизгичларга йўналтиради, улар анор тупларини ер юзасига босиб кўмишга тайёрлайди ва кўмувчи ишчи қисмлар уларни тупроққа тўлиқ кўмилишини таъминлайди. Натижада агрегатнинг бир ўтишида икки қатор анор туплари тупроқ билан тўлиқ кўмилишига эришилинади ва уларни кўмиш ишлари тўлиқ механизациялашади.

Иккинчи вариантдаги машинада трактор 1 нинг олди қисмига ўрнатилган уюмлагич

2 ёрдамида анок тупларининг шохлари уюмланади (ихчамлаштирилади) ва уюмлагичлардан кейин жойлашган нов шаклидаги узатгич 3 орқали анок туплари ётқизгич 4 га йўналтирилади, ётқизгич анок тупларини ер юзасига босади ва кўмувчи ишчи қисм 5 анок туплари устига тупроқни уюмлаб, уларни тупроққа тўлиқ кўмилишини таъминлайди.

Бу вариантда уюмлагич тракторнинг олдинги осиш механизмига, узаткич тракторнинг рамасига, ётқизгич ва кўмувчи ишчи қисмлар осма рама 6 га ўрнатилган. Машинанинг трактор билан агрегатланиш усули осма.

Шуни таъкидлаш лозимки бир ўтишда икки қатор анок тупларини кўмадиган машина янги яратилган ва новдалари йўғонлашиб кетмаган анок тупларини кўмишда, бир ўтишда бир қатор анок тупларини кўмадиган машина эса новдалари йўғонлашиб кетган эски анок тупларини кўмишда қўлланилади.

Ишлаб чиқилган дастлабки талаблар, техник топшириқ ҳамда конструктив схемалар асосида бир ўтишда бир ва икки қатор анок тупларини кўмадиган машиналарнинг конструкциялари ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда бир қатор анок тупларини кўмадиган машинанинг тажриба нусхаси тайёрланди (3-расм).

Ишлаб чиқилган дастлабки талаблар ва техник топшириқлар асосида анок тупларини кўмадиган машинанинг конструктив схемаси икки вариантда ишлаб чиқилди. Биринчи вариантда машина бир ўтишда икки қатор анок тупларини кўмади (1-расм), иккинчи вариантда бир қатор анок тупларини кўмади (2-расм).

Биринчи вариантдаги, яъни бир ўтишда икки қатор анок тупларини кўмадиган машина трактор 1 нинг ён қисмларига ўрнатилган уюмлагичлар 2, улардан кейин жойлашган нов шаклидаги узаткичлар 3, ётқизгичлар 4 ва кўмувчи ишчи қисмлар 5 лардан ташкил топган. Машинанинг уюмлагичлари, узаткичлари, ётқизгичлари ва кўмувчи ишчи қисмлари осма рама 6 га ўрнатилган.


Иш жараёнида уюмлагичлар томонидан анок тупларининг шохлари уюмланади (ихчамлаштирилади) ва узаткичларга узатилади, улар анок тупларини янада ихчамлаштириб ва босиб, ётқизгичларга йўналтиради, улар анок тупларини ер юзасига босиб кўмишга тайёрлайди ва кўмувчи ишчи қисмлар уларни тупроққа тўлиқ кўмилишини таъминлайди. Натижада агрегатнинг бир ўтишида икки қатор анок туплари тупроқ билан тўлиқ кўмилишига эришилини ва уларни кўмиш ишлари тўлиқ механизациялашади.

Иккинчи вариантдаги машинада трактор 1 нинг олд қисмига ўрнатилган уюмлагич 2 ёрдамида анок тупларининг шохлари уюмланади (ихчамлаштирилади) ва уюмлагичлардан кейин жойлашган нов шаклидаги узатгич 3 орқали анок туплари ётқизгич 4 га йўналтирилади, ётқизгич анок тупларини ер юзасига босади ва кўмувчи ишчи қисм 5 анок туплари устига тупроқни уюмлаб, уларни тупроққа тўлиқ кўмилишини таъминлайди. Бу вариантда уюмлагич тракторнинг олдинги осиш механизмига, узаткич тракторнинг рамасига, ётқизгич ва кўмувчи ишчи қисмлар осма рама 6 га ўрнатилган. Машинанинг трактор билан агрегатланиш усули осма.

Шуни таъкидлаш лозимки, бир ўтишда икки қатор анок тупларини кўмадиган машина янги яратилган ва новдалари йўғонлашиб кетмаган анок тупларини кўмишда, бир ўтишда бир қатор анок тупларини кўмадиган машина эса новдалари йўғонлашиб кетган эски анок тупларини кўмишда қўлланилади.

Ишлаб чиқилган дастлабки талаблар, техник топшириқ ҳамда конструктив схемалар асосида бир ўтишда бир ва икки қатор анок тупларини кўмадиган машиналарнинг конструкциялари ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда бир қатор анок

тупларини кўмадиган машинанинг тажриба нусхаси тайёрланди (3-расм).



1 – трактор; 2 – уюмлагич; 3 – нов шаклидаги узаткич; 4 – туп ётқизгич; 5 – кўмгич;
6 – осма рама.

2-расм. Бир қатор анор тупларини кўмадиган машинанинг конструктив схемаси




3-расм. Анор тупларини кўмадиган машинанинг тажриба нусхаси

Анор тупларини кўмадиган машиналарнинг параметрларини асослаш.

Жорий йилда анор тупларини кўмадиган машинанинг қуйидаги параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар ўтказилди (4-расм):

- уюмлагич ва ётқизгичнинг ён ва юқори деворларини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари $\gamma_1, \dots, \gamma_4$ ларни;
- кўмувчи қисмлар корпуслари лемехларининг ҳаракат йўналиши ва эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари γ_n ва β ларни;
- кўмувчи қисмлар корпуслари орасидаги қўндаланг масофа L ни;
- кўмувчи қисмлар корпусларининг қамраш кенглиги b ва тупроққа ботиш чуқурлиги a ларни.

Уюмлагич ва ётқизгичнинг ён ва юқори деворларини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари $\gamma_1, \gamma_2, \gamma_3$ ва γ_4 ни улар ишчи сиртларининг анор




4-расм. Анор тупларини кўмадиган машинанинг тадқиқ этилган параметрлари

тупларининг шохлари билан ўзаро таъсирлашиш вақти минимал қийматга эга бўлишлиги шартдан аниқлаймиз. Чунки бунда шохларнинг деворлар ишчи сиртларига сирпаниб эгилиши таъминланади ҳамда уларнинг шикастланиши минимал қийматга эга бўлади, энергия сарфи камаяди.

Уюмлагичнинг юқори девори мисолида уни анор шохлари билан таъсирлашиш вақти минимал бўлиши шартларини кўриб чиқамиз (5-расм).

5-расмда келтирилган схемага биноан уюмлагич (ётқизгич) юқори девори ишчи сиртининг анор шохлари билан таъсирлашиш вақти t ни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин



5-расм. Анор тупларини кўмадиган машина уюмлагичи ва ётқизгичларининг ён ва юқори деворларини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини аниқлашга доир схема

$$t = \frac{H}{V_c \sin \gamma_1}, \quad (1)$$

бунда H – уюмлагич юқори деворининг баландлиги, м;

V_c – анор шохларини уюмлагич (ётқизгич)нинг юқори девори бўйлаб сирпаниш тезлиги, м/с.

Синуслар теоремасини қўллаб 5-расмдан қуйидагига эга бўламиз

$$V_c = V_m \frac{\cos(\alpha + \varphi)}{\cos \varphi} = V_m (\cos \gamma_1 - \sin \gamma_1 \operatorname{tg} \varphi), \quad (2)$$

бунда V_m – машинанинг ҳаракат тезлиги, м/с;

φ – анор шохларини уюмлагич (ётқизгич) юқори деворининг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги, градус.

(2) ифодани ҳисобга олганда (1) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$t = \frac{H}{V_m (\cos \gamma_1 - \sin \gamma_1 \operatorname{tg} \varphi) \sin \gamma_1}. \quad (3)$$


Бу ифодани γ_1 бўйича экстремумга тадқиқ этиб, унинг t минимал қийматга эга бўлишини таъминловчи қийматини аниқлаймиз

$$\gamma_1 = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi}{2}. \quad (4)$$

$\varphi=30-40^\circ$ қабул қилиб, (4) ифода бўйича уюмлагич ва зичлагич ён ва юқори деворларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги $25-30^\circ$ оралиғида бўлиши лозимлигини аниқлаймиз. γ_1 , γ_2 ва γ_4 бурчаклар ҳам шундай қийматга эга бўлиши лозим.

Кўмувчи қисмлар корпуслари лемехларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини корпуслар томонидан қовлаб олинаётган палахсалар дала юзасига кўтарилмагунча ён томонга сурилмаслиги шартидан аниқлаймиз. Чунки бунда тупроқни анор туплари устига кам энергия сарфлаган ҳолда уюмланишига эришилади. Қўйилган масалани ечиш учун лемехнинг ишчи сирти бўйлаб кўтарилаётган тупроқ бўлаги M га горизонтал текисликда таъсир этаётган кучларни кўриб чиқамиз. Бу текисликда тупроқнинг M бўлагига нормал куч N_2 ва ишқаланиш кучи $F_2 = f N_2$ таъсир этади. Нормал

куч N_z ни ҳаракат йўналиши бўйлаб йўналган N_{zv} ва лемехнинг ишчи сирти бўйлаб йўналган N_{zt} кучларга ажратамиз (6-расм).



6-расм. Корпус лемехининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини аниқлашга доир схема

6-расмда келтирилган схемага биноан

$$N_{zv} = \frac{N_z}{\sin \gamma_l} \quad (5)$$

ва

$$N_{zt} = N_z \operatorname{ctg} \gamma_l. \quad (6)$$

N_{zv} куч тупроқ бўлақларини олдинга, N_{zt} куч эса ён томонга суришга ҳаракат қилади. Тупроқ бўлақлари ён томонга сурилмаслиги учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$N_z \operatorname{ctg} \gamma_l < F_z = N_z \operatorname{tg} \varphi_1 \quad (7)$$

ёки

$$\operatorname{ctg} \gamma_l < \operatorname{tg} \varphi_1, \quad (8)$$

бунда φ_1 – тупроқни лемехнинг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги, градус.

Охирги ифодадан қуйидаги натижага эга бўламиз

$$\gamma_l > 90^\circ - \varphi_1. \quad (9)$$

Бу шарт бажарилганда иш органининг лемехи тупроқни ён томонга сурмасдан ковлаб олади, яъни у икки ёнли пона каби ишлайди.


Демак, кўмувчи қисмлар лемехлари тупроқни ён томонга сурмасдан ковлаб олиши учун уларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги $90^\circ - \varphi_1$ дан катта бўлиши лозим.

(9) ифодага φ_1 нинг адабиётлардан маълум бўлган қийматларини қўйиб, иш органи лемехининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 55° дан кам бўлмаслиги лозимлигини аниқлаймиз.

Кўмувчи қисмлар корпуслари лемехларининг увалаш бурчакларини аниқлаш учун тупроқни пона таъсири остида деформацияланиш ва парчаланиш жараёнларини кўриб чиқамиз. Адабиётлар ва илгари бажарилган [4, 5, 6, 7] тадқиқотлардан маълумки, пона таъсири остида тупроқнинг деформацияланиш ва парчаланиш жараёнлари қуйидаги тарзда кечади: пона I ҳолатдан II ҳолатга ўтганда (7-расм) тупроқ олдин унинг ишчи сирти томонидан сиқилади (эзилади) ва унда ҳосил бўладиган кучланишлар критик қийматга етганда тупроқ ҳаракат йўналишига нисбатан ψ_0 (бунда ψ_0 – тупроқнинг бўйлама йўналишдаги синиш бурчаги, градус) бурчак остида жойлашган ABB_1A_1 текислиги бўйича

парчаланеди, яъни тупроқнинг ушбу текислик бўйича силжиши ёки узилиши рўй беради ва ундан $ABB_1A_1DCC_1D_1$ призма кўринишидаги кесак ажралади.

Маълумки, [8, 9], тупроқ силжиш ҳисобига парчаланганда



7-расм. Тупроқни корпус таъсири остида деформацияланиш ва парчаланаш жараёнлари

$$\psi_0 = \frac{\pi}{2} - \frac{\beta + \varphi_1 + \varphi_2}{2}; \quad (10)$$

узилиш ҳисобига парчаланганда эса

$$\psi_0 = \frac{\pi}{4} + \frac{\beta + \varphi_1}{2}, \quad (11)$$

бунда φ_1, φ_2 – мос равишда тупроқнинг ташқи ва ички ишқаланиш бурчаклари, градус;
 β – понанинг увалаш бурчаги, градус.

Понанинг кейинги кўчишида таъкидланган жараёнлар кетма-кет S қадам билан такрорланиб боради, яъни тупроқ аввал сиқилади ва кейин ундан призмасимон кесаклар ажралади [5, 10].

Тупроқнинг парчаланishi силжиш ҳисобига юз беради деб қараб, А.Тўхтақўзиев ва Қ.Б.Имомкуловлар [10] томонидан тупроқнинг парчаланishi қадами S ни аниқлаш учун куйидаги ифода тавсия этилган:

$$S = \sqrt{2} \left\{ k_c \left[b + htg \left(\frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right) \right] h \cos \varphi_2 \cos \frac{1}{2} (\varphi_1 + \varphi_2 - \beta) \right\}^{\frac{1}{2}} : \left\{ q_0 b c c \delta^3 \frac{1}{2} (\beta + \varphi_1 + \varphi_2) \sin \beta \right\}^{\frac{1}{2}}, \quad (12)$$

бунда k_c – тупроқнинг силжишга солиштирма қаршилиги, Па;

h – корпуснинг тупроққа ботиш (ишлов бериш) чуқурлиги, м;

q_0 – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти, Н/м³.

Шуни таъкидлаш лозимки [11], тупроқнинг парчаланishi қадами қанчалик кичик бўлса, унинг уваланиш сифати шунчалик юқори иш органининг тортишга қаршилиги эса шунчалик кам бўлади.

7-расмда $k_c=2 \cdot 10^4$ Па, $b=0,45$ м, $h=0,3$ м, $q_0=1 \cdot 10^7$ Н/м³ қабул қилиниб, φ_1 ва φ_2 нинг турли қийматларида S ни лемехнинг увалаш бурчагига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилган. Улардан кўриниб турибдики, лемех увалаш бурчагининг маълум

қийматларида тупроқнинг парчаланиш қадами минимал қийматга эга бўляпти. Бунда φ_1 ортиши билан тупроқнинг парчаланиш қадамининг минимал қиймати ортаёпти, камайиши билан камайяпти, φ_2 нинг ортиши β бурчак $30-32^\circ$ дан кичик бўлганда тупроқ парчаланиш қадамининг камайишига, катта бўлганда эса ортишига олиб келяпти.

(12) ифодадан фойдаланиб, пона увалаш бурчагининг тупроқнинг парчаланиш қадами минимал бўлишини таъминлайдиган қийматини аниқлаймиз. Бунинг учун (12) ифодадан β бурчак бўйича биринчи ҳосила олиб ва нолга тенглаб, қуйидаги натижага эга бўламиз

$$\sin\frac{1}{2}(\varphi_1 + \varphi_2 - \beta)\cos^3\frac{1}{2}(\beta + \varphi_1 + \varphi_2)\sin\beta + \left[\frac{3}{2}\cos^2\frac{1}{2}(\beta + \varphi_1 + \varphi_2)\sin\frac{1}{2}\times \right. \\ \left. \times (\beta + \varphi_1 + \varphi_2)\sin\beta - \cos^3\frac{1}{2}(\beta + \varphi_1 + \varphi_2)\cos\beta \right] \cos\frac{1}{2}(\varphi_1 + \varphi_2 - \beta) = 0. \quad (13)$$

Бир қанча қисқартириш ва ўзгартиришлардан кейин (13) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$2\sin^2\beta + 2\sin(\varphi_1 + \varphi_2)\sin\beta - 1 = \cos(\varphi_1 + \varphi_2)\cos\beta. \quad (14)$$

Бу тенгламани β га нисбатан ечиш учун (14) ифодадаги $\cos\beta$ ни Тейлор қаторига ёямиз ва етарли даражада аниқлик билан $\cos\beta = 1 - \frac{1}{2}\sin^2\beta$ этиб қабул қилиб оламиз [12].

Буни ҳисобга олган ҳолда (14) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$2\sin^2\beta + 2\sin(\varphi_1 + \varphi_2)\sin\beta - 1 = \cos(\varphi_1 + \varphi_2)\left(1 - \frac{1}{2}\sin^2\beta\right) \quad (15)$$

ёки

$$\left[2 + \frac{\cos(\varphi_1 + \varphi_2)}{2} \right] \sin^2\beta + 2\sin(\varphi_1 + \varphi_2)\sin\beta - \left[1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] = 0. \quad (16)$$

Бу тенгламани олдин $\sin\beta$ ва кейин β га нисбатан ечиб, қуйидаги якуний ифодага эга бўламиз

$$\beta = \arcsin\left\{ \left\{ -\sin(\varphi_1 + \varphi_2) + \sqrt{\sin^2(\varphi_1 + \varphi_2) + \left[2 + \frac{1}{2}\cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] \left[1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right]} \right\} \right. \\ \left. : \left[2 + \frac{1}{2}\cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] \right\}. \quad (17)$$


Бу ифодадан кўришиб турибдики, лемехларнинг увалаш бурчаклари асосан ишлов берилаётган тупроқнинг ички ва ташқи ишқаланиш бурчакларига боғлиқ.

$\varphi_1=25-35^\circ$ ва $\varphi_2=35-45^\circ$ қабул қилиниб, (17) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар юмшаткич ва ўксимон панжаларнинг увалаш бурчаклари $25-32^\circ$ оралиғида бўлиши лозимлигини ва бу қийматлар 8-расмда келтирилган графиклардаги маълумотларга тўлиқ мос келишини кўрсатади.

Анор тупларини кўмадиган машина корпусларининг камраш кенглиги ва ишлов бериш чуқурлигини асослашда анор тупларини кўмиш учун талаб қилинган шакл ва баландликдаги тупроқ уюмини шакллантириш нуқтаи назаридан ёндашамиз.


Бир қатор олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра [13, 14] анор

тупларини устида ҳосил қилинадиган тупроқ уюми кўндаланг кесимининг шаклини тенг ёнли учбурчак деб қараш мумкин (9-расм). Бу кўринишдаги тупроқ уюмини ҳосил қилиш учун анор қаторининг икки четидан машинанинг корпуслари томонидан b кенгликдаги ва a қалинликдаги палахсалар кесиб олиниб, ўртага бир-бирига қарама-қарши ағдарилиши лозим.



1 – $\varphi_1=25^\circ$; 2 – $\varphi_1=30^\circ$; 3 – $\varphi_1=35^\circ$


a)



1 – $\varphi_2=35^\circ$; 2 – $\varphi_2=40^\circ$; 3 – $\varphi_2=45^\circ$

b)

8-расм. φ_1 (a) ва φ_2 (b) нинг турли қийматларида S ни β га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари



9-расм. Анор тупларини кўмилиш кенглиги ва кўндаланг кесимининг юзини аниқлашга доир схема

Анор туплари устига уюлган тупроқ кўндаланг кесимининг юзини аниқлаймиз. 9-расмдаги схема бўйича

$$S_n = S_{my} - S_a, \quad (18)$$

бунда S_n – анор туплари устидаги тупроқ уюми кўндаланг кесимининг юзи;

S_{my} – тупроқ уюми ва ётқизилган анор туплари кўндаланг кесимларининг умумий юзи;

S_a – ётқизилган анор туплари кўндаланг кесимининг юзи.

9-расмдаги схемага биноан

$$S_{my} = h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m. \quad (19)$$

Кўмилган анор туплари кўндаланг кесимининг юзини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$S_a = \frac{\pi d^2}{4}. \quad (20)$$

S_{my} ва S_a ларни (19) ва (20) ифодалар бўйича қийматларини (18) га қўйиб тупроқ уюми кўндаланг кесимининг юзини аниқлаймиз

$$S_n = h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m - \frac{\pi d^2}{4}. \quad (21)$$

Тупроқ уюми кўндаланг кесимининг юзи корпуслар томонидан кесиб олинган тупроқ палахсалари юзларининг йиғиндисига тенг, яъни

$$S_n = 2S_1, \quad (22)$$

бунда S_1 – корпус томонидан кесиб олинган палахса кўндаланг кесимининг юзи.

Корпусларнинг қамров кенглиги ва тупроққа ботиш чуқурлиги бир хил бўлганлиги учун ҳамда $S_1 = ab$ эканлигини ҳисобга олиб, (21) ва (22) ифодалардан қуйидагига эга бўламиз

$$S_1 = \frac{4h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m - \pi d^2}{8} = ab. \quad (23)$$

Кўмувчи корпусларнинг ишлов бериш чуқурлиги a ва қамраш кенглиги b бир-бири билан $a \leq 0,8b$ муносабат билан боғланган десак [15], унда (23) ифодадан кўмувчи корпуснинг қамраш кенглигини аниқлаш учун қуйидагига эга бўламиз

$$b \geq \sqrt{\frac{5(4h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m - \pi d^2)}{32}}. \quad (24)$$

Дала рельефининг нотекислиги ва машинанинг горизонтал текисликдаги тебранишларини эътиборга олган ҳолда бу ифодани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$b = \sqrt{\frac{5(4h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m - \pi d^2)}{32}} + \Delta, \quad (25)$$

бунда Δ – дала рельефининг нотекислиги ва машинанинг горизонтал текисликдаги тебранишларини ҳисобга оладиган ўлчам ($\Delta = 3$ см).

$d = 28-38$ см ва $\Delta = 3$ см қабул қилиб ҳамда h_n ва φ_m ларни юқорида келтирилган қийматларини (25) ифодага қўйиб $b = 45$ см натижани оламиз. Бунда корпуснинг ишлов бериш чуқурлиги кўпи билан 36 см бўлиши мумкин.

Демак, анор тупларини тупроқ билан талаб даражасида кўмилишини таъминлаш учун уларни кўмадиган машина кўмувчи корпусларининг қамраш кенглиги 45 см ва ишлов бериш чуқурлиги 36 см бўлиши лозим.

Корпуслар орасидаги кўндаланг масофани қуйидаги шартдан аниқлаш мумкин (10-расм)


$$L > A + 2l_1, \quad (26)$$

бунда L – анор тупларини кўмадиган машинанинг ўнг ва чап корпуслари орасидаги кўндаланг масофа, м;

A – анор тупларининг кўмилиш кенглиги, м;

l_1 – тупроқ деформациясини ён тарафга тарқалиш кенглиги, м.

(26) шарт бажарилмаса, яъни $L < A + 2l_1$ бўлса машина корпуслари томонидан ағдарилган тупроқнинг бир қисми улар ҳосил қилган эгатларга қайтадан тўкилади ва натижада анор тупларини талаб даражасида кўмилиши таъминланмайди.



1 – ўннга ағдарувчи корпус; 2 – чапга ағдарувчи корпус; 3 – кўмилган анор тупи
10-расм. Анор тупларини кўмадиган машина корпуслари орасидаги кўндаланг масофани аниқлашга доир схема

10-расмдаги схемага биноан

$$A = 2h_n \operatorname{ctg} \varphi_m \quad (27)$$

ва

$$l_1 = a \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon}, \quad (28)$$

бунда h_n – анор тупларини кўмиш орқали ҳосил қилинадиган тупроқ уюмининг баландлиги,

$$(h_n = 0,5-0,6 \text{ м});$$

φ_m – тупроқнинг табиий тўкилиш бурчаги, градус;

a – корпусларнинг ишлов бериш чуқурлиги, м;

ψ_{ε} – тупроқнинг ёнбош синиш бурчаги (ушбу бурчак тупроқнинг механик таркиби ва намлигига боғлиқ), градус.

A ва l_1 нинг (27) ва (28) ифодалар бўйича қийматларини (26) га қўйиб, қуйидаги натижани оламиз

$$L > 2(h_n \operatorname{ctg} \varphi_m + a \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon}). \quad (29)$$

Корпуслар томонидан қовлаб олинаётган тупроқ палахсалари юзаларининг йиғиндиси анор туплари устига уюладиган тупроқ уюми кўндаланг кесимининг юзасига тенглиги ҳамда машина корпусларининг ишлов бериш чуқурлиги a ва қамров кенглиги b бир-бири билан $a \leq 0,8b$ муносабат билан боғланганлигини ҳисобга олиб [15], (23) ифодадан қуйидагига эга бўламиз

$$a = 0,8 \sqrt{\frac{5(4h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m - \pi d^2)}{32}}, \quad (30)$$

бунда d – ётқизилган анор туплари кўндаланг кесимининг диаметри, м.

(30) ифодани ҳисобга олганда (29) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$L > 2 \left[h_n \operatorname{ctg} \varphi_m + 0,8 \sqrt{\frac{5(4h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m - \pi d^2)}{32}} \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon} \right] \quad (31)$$

ёки

$$L > 2 \left[h_n \operatorname{ctg} \varphi_m + \sqrt{0,1(4h_n^2 \operatorname{ctg} \varphi_m - \pi d^2)} \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon} \right]. \quad (32)$$

$d=0,28-0,38$ м, $h_n=0,5-0,6$ м ва адабиётларда [5, 14, 16] келтирилган маълумотлар

бўйича $\varphi_m=45^\circ$ ва $\psi_{\bar{e}}=60^\circ$ қабул қилиниб (32) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар корпуслар орасидаги кўндаланг масофа камида 1,26 м бўлишини кўрсатди.

Демак, анор тупларини тупроқ билан талаб даражасида кўмилишини таъминлаш учун уларни кўмадиган машина корпуслари орасидаги кўндаланг масофа камида 1,26 м бўлиши лозим.

Хулосалар

1. Анор тупларини кўмадиган машина рамага орқама-кетин ўрнатилган уюмлагичлар, узаткичлар, ётқизгичлар ва кўмувчи чап ва ўнг корпуслардан ташкил топган бўлиши лозим.

2. Анор тупларини ярим очадиган машина рамага бир-бирига қарама-қарши ўрнатилган очувчи корпуслар, шарнирли ва ҳаракатланувчи лемехлар ва уларга маҳкам ўрнатилган тупроқ йўналтиргичлардан ташкил топган бўлиши лозим.

3. Анор шохларини уларга шикаст етказмасдан сифатли ҳамда кам энергия сарфлаган ҳолда кўмилишини таъминлаш учун анор тупларини кўмадиган машина уюмлагич ва ётқизгичларининг ён ва юқориги деворлари ҳаракат йўналишига нисбатан $23-30^\circ$ оралиғида ўрнатилиши, кўмувчи корпуслар лемехларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш ва увалаш бурчаклари мос равишда 55° дан кам бўлмаслиги ва $25-32^\circ$ оралиғида бўлиши, корпусларнинг қамраш кенглиги 0,45 м ва ишлов бериш чуқурлиги кўпи билан 0,36 м бўлиши, корпуслар оралиғидаги кўндаланг масофа камида 1,26 м бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 январидagi 25-сон «Сирдарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябридаги 791-сон «Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.
3. Абдуназаров Э., Ортиқов Н. Такмиллаштирилган анор тупларини кўмадиган машина // Инвестицияларни диверсификациялаш асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш: Республика илмий-амалий конференцияси тўплами. – Наманган, 2019. – Б. 284-287.
4. Маматов Ф.М. Қишлоқ хўжалик машиналари. – Тошкент: Фан, 2007. – 338 б.
5. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. – Москва: Машиностроение, 1977. – 328 с.
6. Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Колос, 2005. – 671 с.
7. Карпенко А.Н., Халанский В.М. Сельскохозяйственные машины. – Москва: Агропромиздат, 1989. – 528 с.
8. Горячкин В.П. Сборник сочинений, в 3-х т. Изд. 2-е. Под ред. Н.Д. Лучинского, - Т. 1. – Москва: Колос, 1968. – 720 с.
9. Новиков Ю.Ф. Некоторые вопросы теории деформирования и разрушения пласта под воздействием двугранного клина // Сборник научных трудов ЧИМЭСХ. – Вып. 46. – Челябинск, 1979. – С. 20-28.
10. Тўхтақўзиев А. Имомқулов Қ.Б. Тупроқни кам энергия сарфлаб деформациялаш ва парчаланнинг илмий-техник асослари. – Тошкент: KOMRON PRESS, 2013. – 120 б.

11. Мамадалиев М.Х. Тупроққа минимал ишлов берувчи комбинация-лашган агрегат юмшатгичининг параметрларини асослаш: Дисс. ... т.ф.н. – Тошкент, 2009. – 135 б
12. Выгодский М.Я. Справочник по высшей математике. – Москва: АСТ: Астрель, 2006. – 991 с.
13. Ахмеджанов М.А. Планировка орошаемых земель. – Ташкент: Мехнат, 1991, 112 с.
14. Сергиенко В.А. Технологические основы механизации обработки почвы в междурядьях хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1978. – 112 с.
15. Шоумарова М., Абдиллаев Т. Қишлоқ хўжалик машиналари. – Тошкент: Ўқитувчи. 2002. – Б. 34-36.
16. Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 166-168.

Механика ва технология илмий журналы

қабул қилинди

19.10.2020

УДК 631.344

КЎМИЛГАН АНОР ТУПЛАРИНИ ЯРИМ ОЧАДИГАН ҚУРИЛМАНИНГ КОРПУСЛАРИ ОРАСИДАГИ КЎНДАЛАНГ МАСОФАНИ УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Имомкулов Қ.Б., Қўчқоров С.К., Тўраев Н.

АННОТАЦИЯ: Мақолада кўмилган анор тупларини ярим очадиган қурилманинг корпуслари орасидаги кўндаланг масофани анор тупларини очилиш даражаси, улар қаторлари ораларидаги нотекисликларнинг баландлиги, тупроқнинг уваланиш сифати ҳамда қурилманинг тортишга қаршилигига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Экспериментларнинг натижалари бўйича белгиланган технологик жараёни агротехник талаблар даражасида ишончли бажариши учун қурилма корпуслари орасидаги кўндаланг масофа 70 см бўлиши лозим.

АННОТАЦИЯ: В статье приведены результаты экспериментальных исследований по изучению влияния поперечного расстояния между корпусами устройства для полуоткрытия укрытых почвенным валом кустов граната на степень открытия кустов граната, высоту неровностей на их междурядья, качество крошения почвы, а также на тяговое сопротивление устройства. По результатам экспериментов для надежного выполнения заданного технологического процесса на уровне агротехнических требований поперечное расстояние между корпусами устройства должно быть 70 см.

ABSTRACT: The article presents the results of experimental studies to study the effect of the lateral distance between the bodies of the device for the half-opening of pomegranate bushes covered with a soil shaft on the degree of opening of the pomegranate bushes, the height of irregularities in their row spacings, the quality of soil crumbling, as well as on the traction resistance of the device. According to the results of experiments, in order to reliably perform a given technological process at the level of agrotechnical requirements, the transverse distance between the device bodies should be 70 cm.


Калит сўзлар: анор, унинг туплари, уларни ярим очадиган қурилма, қурилма корпуслари орасидаги кўндаланг масофалар, анор тупларини очилиш даражаси, қатор ораларидаги нотекисликларнинг баландлиги, тупроқнинг уваланиш даражаси ҳамда қурилманинг тортишга қаршилиги.

Ключевые слова: гранат, кусты граната, устройство для полукрытия кустов граната, поперечное расстояние между корпусами устройства, степень открытия кустов граната, высота неровностей междурядий, качество крошения почвы, тяговое сопротивление устройства.

Keywords: pomegranate, pomegranate bushes, device for half-opening of pomegranate bushes, lateral distance between device bodies, degree of opening of pomegranate bushes, height of irregularities in row spacing, quality of soil crumbling, traction resistance of the device.

Маълумки, республикамиз шароитида анор тупларини совуқ уриб кетишининг олдини олиш мақсадида кеч кузда хашак ёки тупроқ билан кўмилиб, баҳорда очилади. Аммо махсус техника воситалари ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли анор тупларини кўмиш ва очиш ишлари механизациялашмаган ва ҳозирги кунга қадар қўл кучи билан амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат, иш вақти ва бошқа сарф-харажатларни ортишига олиб келмоқда ҳамда анор етиштиришни кўпайтириш, катта майдонларда анор плантацияларини ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, анор туплари кеч куз ойларида кўмилишини ҳисобга оладиган бўлсак, қиш эрта келган йиллари қўл кучи билан барча майдонлардаги анор тупларини тўлиқ кўмилишига эришилмайди ва бунинг натижасида уларни совуқ уриб кетиш ҳоллари кўплаб кузатилади. Бу ҳам соҳани ривожлантириш ва юқорида келтирилган вазифаларни амалга оширишни қийинлаштиради [1].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, анор тупларини ярим очадиган қурилма конструкцияси ва дала қурилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).





б

1-рама; 2-пружина; 3-корпус; 4-тортқи; 5-лемех; 6-марказий тортқининг пружинаси;
7-тупроқ йўналтиргич; 8-марказий тортқи; 9-ҳаракатланувчи лемех.

**1-расм. Анор тупларини ярим очадиган дала қурилмасининг конструктив (а)
схемаси ва умумий (б) кўриниши**


Кўмилган анор тупларини ярим очадиган қурилманинг корпуслари орасидаги кўндаланг масофаларни анор тупларини ярим очилишини таъминловчи қийматлари, қатор ораларининг юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги ва тупроқнинг уваланиш сифати агротехник талаблар даражасида бўлишини таъминлайдиган ҳамда тортишга кам қаршилиқ кўрсатадиган қийматларини аниқлаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Бунда корпуслар орасидаги кўндаланг масофа 10 см интервал билан 60 см дан 90 см гача ўзгартириб тажрибалар ўтказилди. Бунда лемехлар орасидаги масофа 100 см, лемех узунлиги 44 см, тупроқ йўналтиргич узунлиги 27 см га тенг ва ўзгармас этиб қабул қилинди. Тажрибаларни ўтказишда агрегатнинг ҳаракат тезлиги 6 ва 7 км/соат этиб белгиланди.

Тажрибалар 2020 йилда ҚХМИТИ тажриба хўжалигининг 2 йиллик анорзор даласида ўтказилди.

Тажрибаларда олинган натижалар 1-жадвал ҳамда 1-3-расмларда келтирилган.

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, корпуслар орасидаги кўндаланг масофа 60 см бўлганда анор тупларининг очилиш даражаси 78 фоизни ҳамда қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги 18,3 см ни ташкил этди. Аммо, бу масофада анор тупларини синиши натижасида шикаст етказилиши ҳамда уларнинг қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги агротехник талаблар даражасида бўлмаганлиги кузатилди. Бунинг натижасида анор тупларини шикастламасдан ярим очилиши ва қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги талаб даражасида бўлиши таъминланмади. Шу сабабли бу масофа қурилманинг агротехник талаб даражасида ишончли ишлашини таъминлай олмади.

Қурилманинг агротехник талабида очилиш даражаси 50 % дан юқори бўлиши ҳамда қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги кўпи билан 15 см бўлиши белгилаб қўйилган. Корпуслар орасидаги кўндаланг масофа 70 см га ўзгартирилганда анор




1-5,5 км/соат; 2-6,8 км/соат

3-расм. Анор қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги (h_d) ни корпуслар орасидаги кўндаланг масофа (L_k) га боғлиқ равишда ўзгариш графиги камайган ҳамда қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги эса ортган ва агротехник талаблар даражасида бўлмаган. Буни корпуслар орасидаги кўндаланг масофанинг ортиши билан уларнинг кўмилган анор қатор орасидан узоқлашиши ҳисобига тупроқни кам олганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Агрегат ҳаракат тезлиги 5,5 км/соат дан 6,8 км/соат гача ортиши билан барча масофаларда анор тупларининг очилиш даражаси ортган ҳамда қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги эса камайган.

Корпуслар орасидаги кўндаланг масофа ортиши билан қурилманинг тортишга қаршилиги ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам камайиб борган. Масалан, таъкидланган масофа 60 см дан 80 см гача ўзгартирилганда тортишга қаршилиқ ҳар иккала ҳаракат тезлигида мос равишда 4,7 кН ва 4,8 кН га камайган. Бу масофа 80 см дан 90 см гача ортганда тортишга қаршилиқ деярли ўзгармаган, яъни 0,7 кН ва 0,9 кН га камайган. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин, яъни корпуслар орасидаги кўндаланг масофа 60 см бўлганда анор туплари кўмилган валнинг кўп қисмини олиши натижасида тортишга қаршилиги катта бўлган. Аммо, корпуслар кўмилган анор тупларини синиши ва шикаст етказиши натижасида қурилманинг технологик иш жараёнининг бузилиши кузатилди. Кўндаланг масофа 70 см ва ундан катта бўлганда эса бундай ҳолатлар кузатилмади.



4-расм. Қурилманинг тортишга қаршилиги (R) ни корпуслар орасидаги кўндаланг масофа (L_k) га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

Корпуслар орасидаги кўндаланг масофанинг ортиши тупроқнинг уваланиш сифатига сезиларли таъсир кўрсатмаган.

1-3-расмларда келтирилган график боғлиқликларни энг кичик квадратлар усули [2, 3] билан аниқланган қуйидаги эмпирик формулалар билан ифодалаш мумкин:

а) агрегат ҳаракат тезлиги 5,5 км/соат бўлган ҳол учун

$$\delta = 210 - 3,09L_k + 0,015L_k^2 \quad (R^2 = 0,980), \%$$

$$h_d = 99,77 - 2,297L_k + 0,015L_k^2 \quad (R^2 = 0,810), \%$$

$$R = 55,82 - 0,968L_k + 0,005L_k^2 \quad (R^2 = 0,999), \text{кН};$$

б) агрегат ҳаракат тезлиги 6,8 км/соат бўлган ҳол учун

$$\delta = 227,2 - 3,415L_k + 0,017L_k^2 \quad (R^2 = 0,974), \%$$

$$h_d = 86,22 - 1,960L_k + 0,013L_k^2 \quad (R^2 = 0,692), \%$$

$$R = 60,82 - 1,049L_k + 0,005L_k^2 \quad (R^2 = 0,997), \text{кН};$$

бунда L_k – корпуслар орасидаги кўндаланг масофа ($L_k = 60-90$ см оралиғида).

Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўмилган анор тупларини ярим очадиган қурилма тўлиқ агротехник талабларни бажарган ҳолда ишончли ишлаши учун унинг корпуслари орасидаги кўндаланг масофа 70 см бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Имомқулов Қ.Б. Анор тупларини кўмиш ва очишда қўлланиладиган машиналарнинг конструктив схемалари ва технологик иш жараёнларини ишлаб чиқиш // “Ресурстежамкор ва фермербоп қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш”: Республика илмий-техник анжумани материаллари тўплами. – Гулбаҳор, 2020. – Б. 212-222.
2. Кобзарь А.И., Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.
3. Джонсон Н., Лион Ф. Статистика и планирование эксперимента в технике и науке. Методы обработки данных. – Москва: Мир, 1990. – 610 с.

Механика ва технология илмий журнали

қабул қилинди

24.10.2020

УДК.621.01: 631.31

ЭКИШ АППАРАТИНИНГ ҲАРАКАТ РЕЖИМЛАРИНИ АСОСЛАШ

Турдалиев В. М., Махкамов Ғ. У.

АННОТАЦИЯ: Мақолада уячали дискли механик экиш аппарати кинематик параметрлари ва ҳаракат режимларини асослаш бўйича назарий тадқиқи натижалари келтирилган. Тадқиқотлар натижасида уячали дискли механик экиш аппаратининг уячали диски айланишлар сони ва уячалар сонини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар олинган ҳамда параметрларни боғлиқлик графиги қурилган. Назарий ва тажрибавий тадқиқотларда олинган натижалар асосида тавсиялар келтирилган.

АННОТАЦИЯ: В статье приведены результаты теоретических исследований по обоснованию кинематических параметров и режимов движений механического высевающего аппарата с гнездовыми дисками. В результате исследования получены аналитические выражения для определения частоты вращения и количество гнезд гнездового диска механического высевающего аппарата, а также построен график

зависимости параметров. Приведены рекомендации по полученными результатами теоретических и экспериментальных исследований.

ANNOTATION: The article presents the results of theoretical research on the substantiation of the kinematic parameters and modes of movement of a mechanical seeding device with nested discs. As a result of the study, analytical expressions were obtained to determine the rotation frequency and the number of nests of the nest disk of a mechanical sowing device, as well as a graph of the dependence of the parameters. Recommendations on the treated results of theoretical and experimental research are given.

Калит сўзлар. Уруғ, пиёз, диск, уяча, экиш, аппарат, тезлик, механизм, жараён, аналитик ифода, ролик.

Ключевые слова. Семена, лук, диск, гнездо, посев, аппарат, скорость, механизм, процесс, аналитическое выражение, ролик.

Keywords. Seeds, onions, disc, nest, sowing, apparatus, speed, mechanism, process, analytical expression, roller.

Қишлоқ хўжалиги экинларини униб чиқиши, ривожланиши ва пишиб етилиши учун табиатнинг тўртта унсури, яъни сув, ёруғлик, иссиқлик ва озуқа талаб этилади. Шу сабабли экишда асосан, уруғларни дала юзаси бўйича тенг тақсимланишига ва кўчатларни белгиланган зичликда жойлашишига эришиш лозим. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнида асосий тадбирлардан бири экишдир. Уруғларни экиш тадбири ҳосилдорликни белгилаб берувчи омилдир [1].

Экишга қўйиладиган асосий агротехник талаблар қуйидагилардир, яъни экиш меъёри, озикланиш майдони бўйича тенг тақсимлаш ва белгиланган чуқурликка экишдир. Шунинг учун экиш машиналарининг ишчи қисмларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг янги турларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг ривожланиши тарихида сабзавот экинлари уруғларини экишда дон экиш агрегатларини қўшимча жиҳозлаш орқали амалга оширилган. Ҳозирги кунга келиб айнан сабзавот экинлари уруғларини экишга мўлжалланган агрегатлар кенг кўламда ишлаб чиқарилмоқда.

Экиш сифатини белгилаб берувчи асосий ишчи қисм экиш аппарати саналади. Шунинг учун экиш аппаратларини модернизация қилиш ва янги конструкцияларини яратиш ҳамда уларни тадқиқ этиш муҳимдир. Экиш аппаратларини лойиҳалаш ва уларни конструкцияларини яратишда энг аввало уруғларнинг хусусиятларини инобатга олинган. Чунки, экиш аппаратлари тўғрида-тўғри уруғлар билан ўзаро таъсир ва алоқада бўлади.

Юқори ҳосил ва сифатли маҳсулот олиш учун танланган экиш аппарати қуйидаги талабларни бажариши лозим, яъни уруғларни тенг тақсимлаши, конструкциясини мураккаб бўлмаслиги, экиш меъёрини созлашда қулай бўлиши, уруғларни шикастланишини кам бўлиши ва бошқалар [2; 3].

Майда уруғли сабзавот экинлари учун экиш аппаратининг конструкциясини ишлаб чиқишда, юқорида келтирилган талабларни бажарилишини инобатга олиш лозимдир.

Экиш машиналарининг экиш сифатини баҳолаш учун кўрсаткичларни, экиш аппаратидан уруғни экиш зонаси бўйича тенг тақсимланиши ва доналаб тушиши деб қараш мумкин.

ГОСТ 31345-2017 «Техника сельскохозяйственная. Сеялки тракторные. Методы испытаний» давлатлараро стандарт [4] га кўра уруғларни қаторлар бўйича (экиш қадами) тақсимланиши аниқ ва пунктир экадиган экиш машиналарида ўрганилади. Уруғларни тенг тақсимланиши махсус стандартларда амалга оширилиши таъкидланган. Бунда экилган уруғлар орасидаги масофалар қайд этиш (ўлчаш) орқали аниқланади.

Юқорида таъкидланган усулда ўлчаш оралиғининг хатолиги $\pm 0,5$ см дан ошмаслиги келтирилган. Қаторда уруғлар орасидаги масофа, стандар четлашиш, вариация коэффициенти ва уруғлар сони (уячадаги) ТЗ да белгиланган қийматлардан ортиб ёки камайиб кетмаслиги лозим.


Уруғлар тенг тақсимланишини аниқлашда, иккита қўшни уруғларнинг марказлари орасидаги масофа ўлчанади. Уруғларни доналаб тушиши ҳам бир вақтнинг ўзида санаш ёрдамида амалга оширилади. Экиш аппаратининг аниқлик даражаси қуйидагича ифодаланади

$$T_a = \frac{C_{yp}}{C_{ум}} \cdot 100,$$

бунда C_{yp} -белгиланган экиш меъёри бўйича уруғ тушган уячалар сони; $C_{ум}$ -умумий уячалар сони.

Дискли экиш аппаратларида асосий ишчи орган экиш диски саналади. Одатда, экиш дисklarининг ташқи юзасида ёки ён томонида уячалари мавжуд бўлади. Механик экиш аппаратларида уячалар уруғлар билан тўлади ва дискнинг айланма ҳаракати натижасида уруғлар экилиш зонасига тирқишдан тушади.

Экиш аппарати уячали дискнинг геометрик ўлчамлари назарий тадқиқотларда тадқиқ этилган бўлиб, унга кўра уячали дискнинг диаметрини 30 мм ва қалинлигини 3 мм бўлиши тавсия этилган. Шу сабабли тажрибавий тадқиқотларда ҳам уячали дискнинг диаметрини 30 мм ва қалинлигини 3 мм уячалар сонини 8 та ва 12 та деб танлаб олинди (1-расм).



a – 8 та уячали, *б* – 12 та уячали


1-расм. Уячали дискнинг схематик кўриниши

Уруғ қайтаргич ролигининг диаметрини уячали дискнинг диаметрига тенг деб қабул қилинди (2-расм).



2-расм. Уруғ қайтаргич роликнинг кўриниши

Механик экиш аппаратларида ишчи қисмларга ҳаракат, одатда таянч ғилдираклари орқали узатилади. Тавсия этилаётган экиш аппаратининг уячали диски ва қайтаргич роликка ҳам ҳаракат таянч ғилдиракдан занжирли узатма ёрдамида узатилади. Ушбу экиш аппарати узатиш механизмининг кинематик схемаси 1-расмда келтирилган.



3- расм. Экиш аппарати узатиш механизмининг кинематик схемаси

3-расмда келтирилган кинематик схемага кўра, етакчи бўғин таянч ғилдирак 1 ҳисобланади. Уячали диск 3 ва қайтаргич ролик 4 ларга ҳаракат мос равишда занжирли узатма 2 ва 5 лар орқали таянч ғилдирак 1 дан узатилади. Бу ерда, уячали диск 3 ва қайтаргич ролик 4 бир хил йўналишдаги айланма ҳаракатни амалга оширади.

Уруғларни экиш жараёнида экиш машинаси бирор-бир v_a тезлик билан ҳаракатланади. Ушбу v_a тезлик натижасида таянч ғилдирак айланма ҳаракатни амалга оширади. Таянч ғилдиракнинг бурчак тезлигини қуйидагича ифодалаймиз

$$\omega_1 = \frac{v_a}{R_2},$$

бунда v_a - экиш машинасининг ҳаракат тезлиги ёки таянч ғилдиракнинг чизиқли тезлиги, м/с; R_2 – таянч ғилдиракнинг радиуси, м.

Таянч ғилдиракнинг айланишлар сонини қуйидагича ифодалаймиз

$$n_1 = \frac{30\omega_1}{\pi}.$$

Уячали дискнинг айланишлар сонини технологик жараёни бажарилишини инобатга олган ҳолда қуйидагича ифодалаймиз

$$n_u = \frac{60v_a}{lz},$$

бунда l – қатордаги уруғлар орасидаги масофа, м; z – уячали дискдаги уячалар сони.

Қайтаргич роликнинг айланишлар сонини технологик жараёндан келиб чиққан ҳолда қуйидаги шарт орқали аниқлаймиз

$$n_p \geq n_u.$$

Бу шартни киритилишига сабаб, қайтаргич ролик уячали диск уячасидан ташқарида бўлган уруғларни олиб қолишга улгуриши ва улар тирқишда қисилиб қолмаслиги лозим.


Юқоридаги келтирилган ифодаларни сонли ечимларини амалга оширамиз. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган агротехник талабларга кўра пиёз уруғини экиш схемалари қуйидагича, яъни

$$\frac{(40 + 10 + 10 + 10)8 \text{ см}}{4}, \quad \frac{(40 + 15 + 15)8 \text{ см}}{3}, \quad \frac{(50 + 10 + 10)8 \text{ см}}{3} \text{ ёки } \frac{(50 + 20)8 \text{ см}}{2} \quad [5].$$

Экиш схемаларидан кўринадик, қатордаги уруғлар орасидаги масофа $l=8$ см, экиш машинасининг ҳаракат тезлигини $v_a=(1\dots 2)$ м/с оралиғида, таянч ғилдиракнинг радиусини $R_z = 0,2$ м ва уячали дискдаги уячалар сонини $z=(4\dots 12)$ дона қабул қилиб олинди.

Ҳисоблашларнинг натижаларига кўра, таянч ғилдиракнинг айланишлар сони экиш машинасининг ҳаракат тезлигига мос равишда $n_l = (47,8 \dots 95,5)$ айл/мин оралиғида бўлар экан. Уячали диск айланишлар сонининг экиш машинасининг ҳаракат тезлиги ва уячалар сонига боғлиқлик графиги 4-расмда келтирилган.

4-расмдаги графикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, экиш машинасининг ҳаракат тезлиги ортиши билан уячалар сонининг ҳар қандай қийматида уячали дискнинг айланишлар сони тўғри чизиқли қонуният билан ортиши лозим экан.



$$1-z=4; 2-z=8; 3-z=12$$

4-расм. Уячали диск айланишлар сонининг экиш машинасининг ҳаракат тезлиги ва уячалар сонига боғлиқлик графиги

Яъни, экиш машинасининг ҳаракат тезлиги 1 м/с бўлган пайтда, агар уячалар сони 4 дона бўлганда, уячали дискнинг айланишлар сони 187,5 айл/мин, уячалар сони 8 та келтирилган бўлганда 93,75 айл/мин ва уячалар сони 12 та бўлганда эса 62,5 айл/мин бўлиши лозим экан. Агарда экиш машинасининг ҳаракат тезлигини 1,5 м/с га оширилса, у ҳолда уячалар сони 4 дона бўлганда, уячали дискнинг айланишлар сони 281,25 айл/мин, уячалар сони 8 та бўлганда 140,625 айл/мин ва уячалар сони 12 та бўлганда эса 93,75 айл/мин бўлиши лозим экан.

Агар экиш машинасининг ҳаракат тезлиги 2 м/с танлаб олинса, у ҳолда уячалар сони 4 дона бўлганда, уячали дискнинг айланишлар сони 375 айл/мин, уячалар сони 8 та бўлганда 187,5 айл/мин ва уячалар сони 12 та бўлганда эса 125 айл/мин бўлиши лозим экан. 5-расмда уячали дискларнинг кўриниши келтирилган.



а – 8 та уячали,

б – 10 та уячали

в – 12 та уячали

5-расм. Уячали дискнинг кўриниши

Хулоса. Демак, экиш аппарати белгиланган агротехник талаблар бўйича пиёз уруғини қаторларда 8 см ораликда экиши учун уячалар сони 8 та ва экиш машинасининг ҳаракат тезлиги 1,5 м/с бўлганда занжирли узатманинг узатишлар нисбати 0,75, агар уячалар сони 12 та бўлганда эса занжирли узатманинг узатишлар нисбати 1,02 бўлар экан.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов А. Сабзавот ва полиз экинлари агротехникаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 268 б.
2. Маматов Ф.М. Қишлоқ хўжалик машиналари. –Т.: Ворис-нашриёт, 2014. -387 б.
3. Кардашевский С.В. Высевающие устрой ства посевных машин. – М.: Машиностроение, 1973. – 176 с.
4. ГОСТ 31345-2017 «Техника сельскохозяйственная. Сеялки тракторные. Методы испытаний». - КубНИИТиМ, 2017. – 74 с.
5. Временные исходные требования на овощную сеялку для сева семян мелкосеменных овощных культур с одновременной нарезкой поливных борозд на стадии разработки. Ташкент, ИМЭСХ, 2018. – 4 с.
6. Ю.Н.Мешкун, С.Г.Лопарева, С.С.Родионов. Изучение процесса взаимодействия зерновки с наклонным отражателем. – Вестник Курганской ГСХА, № 3, 2016. – Б. 71-73.

Механика ва технология илмий журнали

қабул қилинди 12.10.2020

УДК 656.13

АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ЙЎЛ ВА ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ.

Адилов О. К., Умиров И.И., Уразов Б.А.

АННОТАЦИЯ: Мақолада автотранспорт воситаларидан эксплуатация даврида ажралиб чиқадиган зарарли моддалар миқдорини тажриба йўллари билан аниқлаш, транспорт воситаларини ҳаракатланиши натижасида чиқадиган турли хил зарарли ва

заҳарли моддаларнинг эксплуатация экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари ёритиб ўтилган.

АННОТАЦИЯ: В статье рассматриваются вопросы экспериментального определения количества вредных веществ, выделяемых транспортными средствами при эксплуатации, экологической безопасности эксплуатации различных вредных и токсичных веществ, выделяемых транспортными средствами.

ABSTRACT: The article deals with the issues of experimental determination of the amount of harmful substances emitted by vehicles during operation, environmental safety of operation of various harmful and toxic substances emitted by vehicles.

Калит сўзлар: автомобил, атроф-муҳит, экологик хавфсизлик, эксплуатация, чиқинди газлар, йўл, иқлим.

Ключевые слова: автомобилестроение, окружающая среда, экологическая безопасность, эксплуатация, выхлоп, дорога, климат.

Key words: automotive industry, environment, environmental safety, operation, exhaust, road, climate.

Мавжуд экологик муаммо: Ҳозирги кунда Республикамиз ҳудудларида транспорт воситалари ҳаракатланиши натижасида турли хил зарарли моддалар миқдорининг ошириши натижасида экологик хавфсизликнинг йўқолиши.

Муаммони ечишдан мақсад: автотранспорт воситаларидан эксплуатация даврида ажралиб чиқадиган зарарли моддалар миқдори тажриба йўллари билан аниқлаш, эксплуатация давридаги фаолиятини ошириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш.

Транспорт воситаларининг атроф-муҳит учун хавфлиги нафақат унинг лойиҳавий тавсифномаларига, балки унинг техник ҳолатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун автомобил транспортининг эксплуатацияси даврида ёнилғи сарфига, чиқинди газ зарарли моддалари ташланмасига, шовқин даражаси ва ҳаракат хавфсизлигига таъсир этувчи агрегат ва узелларининг атроф-муҳитни соғломлаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, техник ҳолатини сақлаш ҳисобланади.

Мутахассислар тадқиқотлари натижасида илмий маънабаларда турли транспорт воситаларининг босиб ўтган йўлига нисбатан зарарли моддалар ташлаш миқдорлари аниқланган. [1]

Олинган маълумотлар асосида транспорт воситаларининг атроф муҳитга таъсирини камайтиришнинг қуйидаги тадбирлари ишлаб чиқилди:

- газодвигателлаштиришни 30 % га ошириш;
- оғир йўл шароитида ишлайдиган транспортлар иш вақтини меъёрлаштириш;
- жамоат транспортида йўл ҳақини 25% га камайтириш;
- жамоат транспорт воситаларининг масофаларини 25% га кўпайтириш;

Автомобилларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг эксплуатацион усуллари асосан икки йўналишда олиб борилади:

- техник тайёргарликни яхшилаш;
- ташиш ва йўл ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштириш.

Ўтказилган тажрибалардан маълумки, оғир йўл шароитларда ишлайдиган автотранспорт воситаларининг йўлларда ташиш ишларида фаолият олиб боришда турли зарарли моддаларнинг миқдори билан атроф – муҳитни ифлослантириш миқдори ошириб бормоқда, шунингдек, автотранспорт воситалари двигател кўрсаткичларидаги ўзгаришлар экологик хавфсизликнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Бунда автотранспорт воситалари

экологик хавфсизлиги муаммосини самарали ҳал этишда уларнинг экологик характеристикалари назорати муҳим амалий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Автомобиль йўллари қуриш ва қайта таъмирлаш пайтларида йўл қурилиши участкасига минерал материаллар (қум, шағал, тупроқ ва тош)ни ташишда йўл сатҳини текислаш ва суришда ва бошқа ёрдамчи ишларни бажаришда чангсимон чиқиндилар ажралиб чиқса, асфальт аралашмасини йўл сатҳига ётқизиш ва текислаш пайтида ҳам ишлаб турган транспорт ва йўл қурилиш машиналари дудбуронларидан буғланган ва ишлатилган газлар ажралиб чиқиб атроф муҳитни ифлослайди. [1]

Минерал материалларни йўл қурилиши участкасига ташиш пайтида ажралиб чиқадиган чиқиндилар. Юкланган автомобилларнинг йўл қурилиши майдонига ҳаракатланиш пайтида бир томондан ташилаётган минераллардан чанглар ажралса, иккинчи томондан ички ёнув двигателларидан ишлатилган газлар атмосферага чиқариб юборилади.

Автотранспорт воситаларининг объектгача бўлган масофадан ажратиб чиқарадиган чангларнинг умумий миқдори қуйидагича аниқланади. [3]

$$q = C_1 \cdot C_2 \cdot C_3 \cdot N \cdot l \cdot q_1 / 3600 + C_4 \cdot C_5 \cdot C_6 \cdot F_0 \cdot n \cdot q_2, \frac{g}{c} \quad (1)$$

1-жадвал.

C_1 бирлик автомобилнинг ўртача юк кўтарувчанлигини эътиборга олувчи коэффициентнинг қийматлари.

Автомобил юк кўтарувчан, T	5	10	15	20	25	30	40
C_1	0,8	1,1	1,3	1,6	1,9	2,5	3,0

2-жадвал.

C_2 - карьерда ҳаракатланувчи автомобилларнинг ўртача тезликларини эътиборга олувчи коэффициентнинг қийматлари.

Ўртача ташиш тезлиги	5	10	20	30
C_2	0,6	1,0	2,0	2,5

3-жадвал.

C_3 - йўлнинг ҳолатини эътиборга олувчи коэффициентнинг қийматлари.

Карьер йўлининг ҳолати	Қопламасиз йўл (тупроқ йўл)	Шағал қопламали йўл	Шағал қопламали, хлорли кальций эритмаси, битум эмпульсяси билан ишлов
C_3	1,0	0,5	0,1

C_4 -платформада жойлашган материал юзасининг шаклини эътиборга олувчи коэффициент, $C_4 = F_{\text{факт}} / F_0$ муносабатдан айланади;

$F_{\text{факт}}$ -платформада жойлашган материал юзасининг ҳақиқий ўлчами, m^2 ;

F_0 - платформанинг ўртача юзаси, m^2 ; $C_5=1,3-1,6$;

4-жадвал.

C_5 материалнинг пуфланиш тезлигини эътиборга олувчи коэффициентнинг қийматлари.

Пуфланиш тезлиги, м/с	2 гача	5	10
C_5	1,0	1,2	1,2

5-жадвал.

C_6 - материалнинг юза қатламламининг намлигини эътиборга олувчи коэффициентнинг қийматлари

Материалнинг намлиги, %	0-0,05	1,0 гача	3,0 гача	5,0 гача	7,0 гача	8,0 гача	9,0 гача	10 гача	10 гача
C_6	1,0	0,9	0,8	0,7	0,6	0,4	0,2	0,1	0,01

N -барча транспорт воситаларининг бир соатлик бориб келишлар сони;

l - бир марта бориб келиш йўлининг масофаси, км;

q_1 -платформага жойлаштирилган материалнинг юзасидан ажраладиган чанг миқдори, г/м²-с;

n - карьерга жалб этилган юк автомобиллари сони, дона.

Куйида транспорт воситалари двигателларидан ажралиб чиқадиган чиқинди газлар миқдори орқали қўйилган муаммо ечими аниқланилади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, карьер шароитида ишлайдиган оғир юк автомобилларининг двигателлари 1 кг ёнилғи ёниш туфайли атмосферага 15-20 кг турли хил ёниш маҳсулотларини чиқариб юборади.

Ишлатилган газларнинг ҳар бирининг заҳарли компонентларининг миқдори куйидагича аниқланади:

$$M_{CO} = [f_1 \cdot W_1 \cdot m_1(CO) + f_2 \cdot W_2 \cdot m_2(CO)] / 3600, \frac{г}{с}$$

$$M_{NOx} = [f_3 \cdot W_1 \cdot m_1(NOx) + f_4 \cdot W_2 \cdot m_2(NOx)] / 3600, \frac{г}{с}$$

$$M_{Al} = [f_5 \cdot W_1 \cdot m_1(Al) + f_6 \cdot W_2 \cdot m_2(Al)] / 3600, \frac{г}{с}$$

бу ерда, f_1, f_2, \dots, f_6 - заҳарли компонентларнинг ажралиб чиқишига двигател иш режимларининг боғлиқлигини ҳисобга олувчи коэффициентлар. (6-жадвал)

$m_1(CO), m_1(NO_x), m_1(al)$ - кичик тезликларда 1кг. бензиннинг ёниши натижасида ҳосил бўладиган заҳарли компонентлар массаси, г/кг; (6-жадвал)

$m_2(CO), m_2(NO_x), m_2(al)$ - кичик тезликларда 1кг. дизел ёнилғисининг ёниши натижасида ҳосил бўладиган заҳарли компонентлар массаси, г/кг; (6-жадвал)

W_1, W_2 - тегишлича бензин ва дизел ёнилғисининг сарфланиш миқдори, кг/соат.

6-жадвал.

Двигателнинг иш режими коэффициентлари ва заҳарли газларнинг чиқиш массаси, г/кг.

Ёнилғи тури	Двигателнинг иш режими	Двигателнинг иш режими коэффициенти ва заҳарли компонентларнинг чиқиш г/кг					
Бензин		f_2	$m_1(CO)$	f_3	$m_1(NO_x)$	f_5	$m_1(al)$

	Кичик тезлик	1	20,0	1	1,0	1	1,0
	Тезланиш	0,18		37,5		0,66	
	Юқори тезлик	0,23		17,5		0,33	
	Секинлашиш	0,55		0,5		26,6	
		f_2	$m_2(CO)$	f_4	$m_2(NO_x)$	f_6	$m_2(ол)$
Дизел ёнилғиси	Кичик тезлик	1	20,0	1	2,0	1	1,0
	Тезланиш	1		14,1		1	
	Юқори тезлик	1		4,1		1	
	Секинлашиш	1		0,66		2,5	

Йўл қурилишида ишлатиладиган деярли барча техника воситалари (бульдозерлар, грейдерлар, экскаваторлар, юклаш- тушириш материаллари, асфальт бузувчи, ёювчи ва текисловчи машиналар, компрессорлар ва бошқалар) асосан дизел двигателлар билан жиҳозланган бўладилар. Ушбу дизелга эга бўлган техник воситалар кўпроқ турғун (стационар) ҳолатда ёки кичик тезликларда ҳаракатланиб, йўл қурилиш ишларини олиб борадилар.

Дизелларда ёнилғи ёниши натижасида қуйидаги захарли компонентлар ҳосил бўлиб, атмосферага чиқариб юборилади: [4]

- углерод оксиди- CO ;
- азот оксидлари- NO_x
- углеродлар- C_xH_yO ;
- қурум- C ;
- олтингугурт қўш оксиди CH_2O ;
- бенз(а) пирен- $БП$.

Йўл қурилиши машиналарида қўлланиладиган дизел двигателлари самарадорли қувват, N_e ; айланиш частотаси - n ва цилиндрлар сони i -бўйича шартли равишда тўртта гуруҳга ажратилади:

А- кам қувватли, тез юрар ва ўта тез юрар дизеллар

$$(N_e < 73.6 \text{кВт}; n = 1000 - 3000 \text{мин}^{-1})$$

Б- ўртача қувватли, ўртача тезликка эга ва тез юрар дизеллар

$$(N_e < 73.6 - 736 \text{кВт}, n = 500 - 1500 \text{мин}^{-1} \text{ } n = 1000 - 3000 \text{мин}^{-1})$$

В-юқори қувватли, ўртача тезликка эга

$$(N_e = 736 - 7360 \text{кВт}, n = 500 - 1000 \text{мин}^{-1} \text{ } n = 1000 - 3000 \text{мин}^{-1})$$

Г-юқори қувватли, тезюрар ва кўп цилиндрли

$$(N_e = 736 - 7360 \text{кВт}, n = 1500 - 3000 \text{мин}^{-1} \text{ } n = 1000 - 3000 \text{мин}^{-1})$$

Дизел қурилмалар томонидан табиий атроф-муҳитга чиқариб ташланадиган зарарли моддаларнинг ялпи миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$M_{gi} = \frac{q_{gi} \cdot G_T}{10^9}, T / \text{йил}$$

Хулоса ўрнида эксплуатация шароитларида автотранспорт воситаларининг экологик назоратини амалга оширганда фойдаланадиган экологик нормативлар

автотранспорт воситалари конструкция даражасини, албатта, ҳисобга олиши шарт. Бу амалдаги талабларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Шундай қилиб, автотранспорт воситалар экологик назоратини дифференцияланган нормативлар билан ўтказиш автомобилларнинг моделлар, қўлланилган қўшимча жиҳозлар ва бошқа конструктив ўзгартиришлар бўйича аниқ синфлашни тақозо этади.

Ўз ўрнида юқоридаги ечимлар орқали экологик хавфсизликни таъминлашга эришишимиз орқали гўзал диёримиз мусаффо ҳавосини яхшилашга эришамиз.

АДАБИЁТЛАР.

1. Базаров Б.И. Научные основы энерго экологической эффективности использования альтернативных моторных топлива: Дисс...док техн. Наук.- Ташкент: ТАДИ, 2006-...с.
2. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза:- Тошкент, 2006-15 бет.
3. Т.Абдуазизов “Автотранспорт экологияси” 2010 йил.
4. О.К.Адилов, Ф.И.Исроилов, Ж.А.Адилов “Автомобил транспортининг ҳаракат таркибини эксплуатация қилиш жараёнида ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини ҳисоблаш” ТАЙИ Республика илмий – амалий анжуман материаллари. 2013 йил.133 б

Механика ва технология илмий журнали

қабул қилинди 07.11.2020

УДК: 528.856.044.1

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИНИ ЮРИТИШ ВА ЛОЙИХАЛАШДА ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Инамов А.Н. Эргашев М.М. Назиркулова.М.Б. Saydazimov N.T.

